

КИМ НИМА ЎҚИЙДИ, ҚАНДАЙ ЎҚИЙДИ?

Сўровда (савол-жавобда) иштирок этган 390 нафар кишидан 32 фоизи "Нима мутолаа қиласиз?" деган саволга китоб, 46 фоизи газета-журнал ўқишларини айтишган. Уларнинг 18 фоизи умуман ҳеч нарса ўқишмаслигини (!) таъкидлашган бўлса, 5 фоиз кишидан бу хусусда умуман жавоб олинмаган экан.

2-бет

СЕНИ ИЗЛАЙМАН...

Осмондай муҳаббат билан келсам ҳам,
Заминдай залворли бўлса ҳам туйғум!
Не қилай, сен кутган ул ёр эмасман,
Кўнглингнинг дардини ололмас севгим!

3-бет

«МАНИ ҒАПУРГИНА БОЛАМ...»

Ғафур Ғуломни момамга қадрдон қилган нарса, биринчи навбатда уларнинг меҳрибон инсон эканлиги, қолаверса, уларнинг доно насиҳатлари, беғаразлиги, сўзамоллиги, дуолари ва қизиқарли ҳангомалари бўлса керак. Аҳамият беринг-а, "Менинг ўғригина болам" ёки "Итнинг тиши қон, кийим-бош аралаш бўксамга ханжар ургандай ботган эди, — деди Шум бола". Бу гаплар Бўри холамнинг сўзларини эслатмаяптими?

4-бет

Mustaqil gazeta

HURRIYAT

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan

№9 (315) 2003-yil 5-mart

ВАЛЮТА ҚИЙМАТИ

1 АҚШ $ — 966,67 сўм

1 ЕВРО — 1041,68 сўм



«Ҳуррият» сизники, Сиз ҲУРРИЯТники бўлинг!

Газетамизга обуна давом этмоқда.

Нашр кўрсаткичимиз:
Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233.

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК, АЗИЗ ОНАХОНЛАР, ОПА-СИНГИЛЛАР!

Изҳор

ИШҚ ОТАШГОҲИ

Нажиддин КОМИЛОВ

Алишер Навоий — буюк шоир ва мутафаккир бир зот. Бу ҳақиқат қуёшдай ҳаммага аён. Қуёшнинг таърифини такрорлайвериш эса шарт эмас. Аммо ана шу буюклик қудратининг ҳар бир асарда намоён бўлишини таҳлил қилиб кўрсатиш, маънолар жилосини англаш ва ундан ҳузурланиш, албатта, фойдалидир. Чунончи, шоирнинг мана бу ғазалини олайлик:

Паризодеки мушкин зулфи жоним мустаманд этмиш,
Малойик қушларин ул ҳалқа мўлар бирла банд этмиш.

Самандинким ёлиндек тез эрур, юз шукрким, гардун
Анга бизни самандарваш, мунга гарди саманд этмиш.

Чекарга ишқ оташгоҳиға девона кўнглимни,
Қазо ҳар бир шарар торини бир ўтлуғ каманд этмиш.

Вафоға телбалиқдин нописанд ўлсам, они кўрким,
Жафоға кимни менга ул парипайкар писанд этмиш.

Майи равшан тут, эй соқийки, кўнглум тийра қилмиш шайх,
Даму афсун била, баским, анга изҳори панд этмиш.

Лабингда нўшу заҳри ҳажр оғзимда, тонг эрмас гар
Манга ҳар заҳрханд ўлғонда дил бир нўшханд этмиш.

Лаби лаълин малоҳат ҳоли бирла баҳравар қилғон
Менинг жонимни доғи ишқ бирла баҳраманд этмиш,

Бировким сарвдек озодваш бўлди бу боғ ичра,
Қазо деҳқони ҳам сарсабз они, ҳам сарбаланд этмиш.

Навоий, кеч висол уммедидинким, Ҳақ сени беҳад
Залилу зору, ёрингни азизу аржуманд этмиш.

Ушбу ғазал ажойиб дилрабо оҳанги, романтик-армоний асвирлари, ниҳоятда нозик арфоний маънолари ва шунга муносиб тимсол ва ташбеҳлари билан қалбни ром этади. Ҳар бир байт — бир лавҳа: унда Ёр жамоли васфи ёки унинг карашма-истиғнолари ва бунинг Ошиқ дилига таъсири ифодаланган. Шунга биноан, ҳар бир байт ичида тазодий маъно бор, яъни маъшуқа ўз ҳусну жамоли, жозибаси билан мағрур, бепарво, ошиқ эса бу тенгсиз ҳуснга етишиш иштиёқида парвонадек талпинади.

Навоий тасвирида дунёвий ва сўфиёна илоҳий маънолар бирга, бири иккинчисини изоҳлаб, тўлдириб келади. Бошқача айтганда, образлар мажозий (дунёвий), маънолар эса илоҳий.

(Давоми 3-бетда).



8 МАРТ



Газетамизнинг байрам сонида фотосанъаткор Абдуғани ЖУМАЕВнинг оналаримиз, опа-сингилларимиз, қизларимиз сиймолари акс этган суратларидан фойдаландик. Байрамга бағишланган «Паризод» саҳифасини 3-бетда ўқийсиз.

Айём муборак!

«Ҳуррият»ни самода ҳам ўқишмоқда

2003 йил давомида «Ҳуррият» «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси самолётларида йўловчиларнинг энг яқин ҳамроҳи бўлади.

Айём

«ҚЎКЛАМОЙИМ, ҚЎКИНГДАН БЕР БИР ЧИМДИМ»

Чарчоқ босган вужудга бахшида ором учун бир сабо елур. Бу қўклам нафаси эмасми?!

Ҳаётимга маъно берган, қўлимга гул-раъно берган кўкламга жоним фидо. Хайр, қаҳратон қиш!

Қорлар ҳам ўзликдан тоняпти. Кўклам шукуҳидан дил қоняпти. Шалолага ҳамоҳанг созим. Қушчага жўр овозим.

Кимдир айтар туриб пинҳона,
Шалолага юзларингни юв.
Табиатга бўлар жонона —
Қорликлардан сипқорилган сув.

Ҳаёт гўзал. Ҳаёт ширин. Осуда дамлар — дилга ҳамдам.

Баҳор мўъжизасида кўз қувонгандаю, лек шодлигим бироз кемтикдек.

Кипригимдан учар қушчалар,
Муҳаббатга сиғинмадингми?
Қўшиғимга Армон куй чалар,
"Сен баҳорни соғинмадингми?"

"Сен баҳорни соғинмадингми, азизам!?" дейман кимнидир қўмсаб. Соғинчлар юрагимни излай-излай топган ширин-ширин изтироблариммикан?

Ўзимга-ўзим шундай дейман-у, инсонлар чеҳрасига аста назар ташлайман. Ҳамманинг нигоҳи бир нимага муштоқ. Баҳоройимнинг парваришлаган маликаси — Кўкламойим билан Наврўзи олам келади.

Шундайин бокира дамлар — баҳор онлари — фасли висол синоатини фош айламоқда. Ҳиммат бахшида этиб, кўклам юзини қувончдан ёш айламоқда.

Ҳа. Баҳор ҳақида тўлқинланиб, монанд ташбеҳ излаб ифодалар қилинади. Хаёллар илдизларни қучади. Инини ташлаб, олисларга полопонлар учади. Булар ҳаммаси ёшлик фаслининг саргузаштлари, ўзига ром этувчи ҳаяжону ҳайратларидир.

Атойи борлиқни қузатаркан, нигоҳим ҳануз ниманидир излаб юрибди.

Излагани қоракўз қизлар яноғидан ранг ўғирлаб, тоғу тошларга қочган лолача эмасмикин?!

Лолазор эмасмикин?!

Хаёлим нигоҳи лолазорга ястаниб олади-да, энди яна кимнидир излайди:

Яноғингдан ранг олган дедим,
Лолазорга бурдим юзимни.
Учратмадим аммо ўзингни,
Сен баҳорни соғинмадингми?

Азизлар, баҳор сепин ёймоқда экан, кўклам нафаси келмоқда экан, ажойиб тонглар отар энди... Чароғон кунлар келар энди... Шундай азиз, шундайин улуғ, бир жозибадор, бир дилдор, бир мўъжизакор тонгларда уйғонмоқлик барчага насиб этсин. Беғуборлик ояти билан ким Яраттандан нимаики сўраган бўлса, муродга етсин!

Соҳибжон НАБИЕВ

Дараклар

25 МИЛЛИОН ҲАМЁНДА ҚОЛДИ..МИ?

Покистон ҳукумати вакили ўтган шанба куни

ҳаллий ва АҚШ махс хизматларининг бирликдаги саъй-ҳаракатлари боис Исломободда ўлга олинган Шайх Муаммад Америка томонидан топширилганини рад ди.

Мутахассислар асли увайтлик бўлган 37 шли Шайх Муҳаммад Ал-Қоида"нинг бош ре-галаштирувчиларидан ўлганини таъкидлашмоқда. У дастлаб 1995 илда Жаҳон савдо мар-азини портлатишга ури-ишга алоқадорликда умон қилинганди. ўнгра у Осиё мамлакат-аридан АҚШга учаётган 1 самолётни портла-аш юзасидан тил би-иктиришда айбланган. атто уни тутишда маклашган кишига 25 иллион доллар муко-ат ҳам белгиланганди. Ҳибсга олиш Покис-ндаги энг йирик "Жа-ати исломи" гуруҳи оси бўлган кишининг да ҳеч бир ўқ отиш-сиз амалга оширил-Бу муваффақият 25 лион долларлик му-отнинг "эгаси чиққа-сабаб амалга ошди-ёки бу сармоя ҳам-а қолдими? деган са-ларга ҳозирча ҳеч ким жавоб бергани йўқ.

Россия: 2 ЙИЛДА 17 МИЛЛИАРДЕР

Американинг "Форбс" журнали сайёрамиздаги энг бой кишиларнинг янги рўйхатини эълон қилди. Унда қайд этилишича, дунёда айни вақтда 476 та миллиардер бўлиб, уларнинг умумий даромади 1,4 триллион долларни ташкил этади.

Бу Россия умумий иқтисодиёти ҳажмидан 5 баробар кўп демакдир.

Рўйхатда 23 фоиз маблағидан ажралганига қарамай ҳамон "Микрософт" компанияси раҳбари Билл Гейтс 40,7 миллиард доллар билан карвонбошилик қилмоқда. 1999 йилда унинг даромади 100 миллиард доллар эди.

Шуниси қизиққки, нефть нархининг кўтарилиб кетиши 2 йил муқаддам бирор фуқароси бу рўйхатга кирмаган Россияни олдинги сафларга олиб чиқди. Бу муддат ичида Россиянинг 17 фуқароси миллиардерлар сафидан ўрин олди. Уларга "ЮКОС" компанияси раҳбари Михаил Ходорковский 8 миллиард доллар-лик сармояси билан етакчилик қиляпти.

САДДАМ ҲУСАЙН ИРОҚНИ ТАРК ЭТМОҚЧИ ЭМАС

Баҳрайн ва Қувайт давлатлари ҳам Саддам Ҳусайннинг Ироқни тарк этиши ихтилофнинг олдини олишдаги энг мақбул чора, деб ҳисоблашини ёқлаб фикр билдирди.

Бу ҳақдаги расмий баёнот Бирлашган Араб Амирлиги (БАА) вакили томонидан ўтган дам олиш куни Мисрда бўлиб ўтаётган Араб давлатлари Лигаси мажлисида маълум қилинди. Ўша вақтгача БАА АҚШ таклифини қўллаб-қувватлаётган ягона давлат бўлиб қолаётган эди.

Саддам Ҳусайннинг бу даъватга муносабати маълум. У: "Ўлсам ўламанки, аммо ўз Ватанимдан сургунга рози бўлмайман", деган фикрни айтган. Араб давлатлари Лигаси етакчиларининг Қоҳирада чиқаражак хулосаси С. Ҳусайннинг фикрини ё қатъийлаштириши ёхуд ўзгартириши эҳтимол.

БЕГУНОҲЛАР ҚОНИ ТЎКИЛМОҚДА

Би-би-си мухбири берган хабарларга қараганда, Исроил қуролли кучларининг Ғазо секторига қуролли ҳужум қилиши натижасида бир аёл ва гўдак ҳалок бўлган ва 35 фаластинлик жароҳат олган.

Ўтган душанбага ўтар кечаси Исроилнинг 40 та танки пиёдалар қўллаб-қувватлашида қочқинларнинг Ал-Бурейж қароргоҳига ҳужум қилган. Ғазо сектори марказидаги Ал-Бурейж қароргоҳида Исроил ҳарбийлари билан фаластинликлар ўртасида отишма рўй берган.

Исроил азалдан террорни тўхтатиш мақсадида жангарилар уйларини тўғридан-тўғри тўпга тутишни одат қилган. Буни Исроил тинч аҳолисини ҳимоялашнинг ўзига хос усули деб билмоқда.

2000 йилда тинч музокаралар боши берк кўчага кириб қолгач, фаластинликлардан 1800 нафар, исроилликлардан 800 нафар инсон ҳалок бўлди.

Мактуб

«ГАЗЕТА НОРМАЛ ЧИҚАЯПТИ»

Олтинсой тумани ҳокими, Олий Мажлис депутати Рустам Алимов туман газетасига ана шундай баҳо бераяпти. Аслида-чи?

Бир вақтлардаги доврўқли газета бугун деярли олтинсойликларнинг эсидан чиқаёзди. Ҳар бир сони интиқ кутиладиган, газеталар ўртасида қўлма-қўл бўладиган, увадаси чиқиб кетадиган "Олтинсой тонги" бугун деярли йўқ. Айрим сонларининг ҳатто муҳарририятдаги тахламлардан ҳам топиб бўлмайдиган, бўлмаса ҳафтасида салкам 7 минг нусхада чоп этилган газетага у кунлар шуҳрати энди эртак бўлиб қолганга ўхшайди.

Очиқ гапни айтганда, мазкур мақолани ёзиш учун бир талай мулоҳаза ва андишаларга ҳам бориб кўрдим. Бир пайтлар бўлим мудири, муҳаррир ўринбосари бўлиб ишлаган газетани бугун ёмонотлиқ қилсам қандай бўларкин, деган ўйлар ҳам хаёлимдан кечди. Йиллаб ёзмай ҳам юрдим. Барибир бир вақтлар нияҳолларини қадашга қатнашган, қизғин парвариш йилларида баҳоли қудрат иштирок этган, қийғос мевага кирган чоғларида озми-кўпми татинган боғнинг бугун қуврaб-қовжираб, хазон бўлиб бораётганини кўриш оғир экан. Агар таъбир жоиз бўлса, "Олтинсой тонги"ни бир бокка ўхшатсак, унинг бошига бугун шу кун тушди.

Яна... Яна юрагимни туман ҳокими Рустам Алимовнинг бир гапи қийнаб юборди. У кишига юқоридаги мулоҳаза ва андишаларимни айтганимда: "Газета нормал чиқаяпти, ҳатто бошқа газеталардан яхшироқ", деди.

Муҳтарам ҳоким эҳтимол газетанинг аввалги йиллардаги шуҳратини билмас, лекин жудажуда ажабланарли жойи шундаки, у кишини нахотки бугунги аҳволи қониқтирса, "нормал чиқаяпти", деса.

Энди "нормал" чиқаётган, ҳатто бошқа газеталардан "яхшироқ" деб айтилаётган "Олтинсой тонги"ни қўшни тумандаги "Чағониён" билан бир тақослаб кўрайлик. Ҳар иккала газета Деновдаги ижара босмахонасида чоп этилади. 24 саҳифали "Чағониён" ҳафтасига ўн минг нусхада мунтазам чиқиб турибди. "Олтинсой тонги"ники эса тумандаги шу соҳа мутасаддиси Мурод Нўъмоновнинг айтишича, бор йўғи 178 та. Шунинг атиги 59 таси йиллик, 77 таси ярим йиллик, қолганлари 3 ойлик обуна. Кўриняптики, бу йил ҳам ўтган йилга ўхшаб ярим йилдан сўнг газета нари борса 50-60 тага тушиб қолади. Энди ўзингиз шу газетани тумандаги 14 та ширкат хўжалигига, 60 та мактабга, ўнлаб касалхонагаю, ўнлаб қишлоқ врачлик амбулаторияси бор жойга бўлиб чиқингчи. Яна туманда юзлаб одамлар ишлайдиган "Шароб" вино тайёрлаш ҳиссадорлик жамияти ва яна 7-8 та вино тайёрлаш пунктидаги ишчи-хизматчиларга ҳам бир тақсимлаб чиқинг-чи, қанчадан тегар экан. Мен ҳали бу ўринда тумандаги 50 га яқин корхона ва ташкилотларни ҳисобга олаётганим йўқ. Олтинсойдек иқтисодиёти бақувват туманга 50 та газета?! "Чағониён"да ўнлаб ходимлар ишлаяпти. Маошлари ҳам чаккимас. "Олтинсой тонги"да бўлса, муҳбир ҳам, ижодий ходим ҳам, масъул котиб ҳам, муҳаррир ўринбосари ҳам, муҳаррир ҳам, Ҳайитали Раҳмоновнинг ўзи, ярим штатда муҳарририятда айланиб турадиган Абдуғаффор Одинаевнинг кўпроқ ташвиши "Фидокор" билан ўтади.

"Чағониён"да хизмат машинаси "Нексия" ва уни ёлғиз муҳаррирнинг ўзи минаётгани йўқ. Балки ўртада 10 минг нусхадаги газетани шу машина жойлардаги обуначиларга етказиб бераётир. "Олтинсой тонги"нинг муҳаррири бўлса, пойи пиёда. Машҳурлик йиллари олинган УАЗнинг қаердалигини ҳеч ким сўрамайди.

Яна бир қизиқ гап. Бир пайтлар "Чағониён"дагилар "Олтинсой тонги"га ҳавас қиларди. Унда ишлашни орзу қиларди. "Чағониён"даги Шоймардон Расулов, Ҳайитали Раҳмоновнинг ўзи ҳам аслида шу мақсад йўлида "Олтинсой тонги"га келиб қолганди. Бугун бўлса...

Газета овозалиқ бўлган йиллари муҳаррир Эшмирза ака Муҳаммадиев эди. Ўша 90-йиллари ҳам газета чиқариш осон эмасди. Буёғи туман янги, газета янги. Буёғи босмохона ҳали айтганимиздай, қўшни туманда. Иш оғир эди. Ходимлар чарчадим-толдим, демай ишлашарди. Кечалари муҳарририятда чироқ ўчмасди. Жамоа янги бўлса ҳам забардаст эди. Атоқли адиб, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоғай Муроднинг газетада ишлагани тарих бўлиб қолди. Истеъдодли шоир Абдумажид Азимов масъул котиб сифатида бетакрор макетлар тайёрлагич эди. Айни кунларда вилоят телевидениесида ишлаётган Муқаддас Тошбоева, "Аёл ва замон" вилоят газетасининг масъул котиби Исматулло Ҳалимов, "Чағониён" газетасининг муҳаррир ўринбосари Нормуҳаммад Темиров шу ерда қаламини чархлашган.

Яхши эслайман, Тоғай Муроднинг "Сўфи Оллоёр ким бўлган?" сарлавҳали каттагина мақоласи эълон қилинди. Мақолада адиб одамларимизнинг диндан узоқлашиб бораётгани, партия зуғумидан қўрққан амалпараст коммунистлар қариндош-уруғлари, ҳатто ота-оналарининг жаназасига ҳам қатнашмаётгани, айрим райкомнинг идеология котиблари "жонбозлик" кўрсатиб, ота-боболаримиздан қолган мўқаддас қадамжолардаги яловларни ўзи суғуриб отаётгани, турмушнинг ночорлиги, шу ночорлик туфайли республикамиздаги 270 нафар аёл ўзига ўт қўйганини жасорат билан ёзганди. Яна шу мақоладан қуйидагини кўчираман: "Эй мусулмон бандаси, жон берар чоғингда кимни эслайсан? Партияними? Комсомолними? Ёки Профсоюзними? Албатта, Худо, дейсан. Отажон-онажон, дейсан. Минбаъд ҳали мен айтганларимни айтмайсан. Отажонинг, онажонинг жаназасида эса тирик туриб бир сиқим тупроқ ташлай олмасанг. Тағин кофир деб ўрисга кулласан. Улар динда маҳкам. Уларнинг масжид ва черковларида бўлганмисиз? Мен Москвада Адабиёт институтда ўқиган пайтимда бўлганман. Жило-жило ранглар олдида анграйиб туриб қолганман".

Шундан сўнг газета бошида тегирмон тоши айланди. Қистов ва жанжаллар... Райком бюросидаги олишувлар... Кетма-кет ҳайфсанлар... Мақола кимдир томонидан конвертга солиниб, шахсан Ўзбекистон Марказқўмининг биринчи котиби Р. Нишоновга жўнатилганди.

Газета барча тазйиқларга бардош берди, танланган йўлидан чекинмади. Ҳамиша халқ тарафида бўлди. Деярли унинг ҳар бир сонига жиддий бир мақола режалаштириларди. "Абдиризвонбойвачча ва унинг қўш хотини", "Сирли операция ёхуд 1082 касаллик варақасининг йўқолиши", "Иснод", "Вақтим йўқ, комсомолга учрашинг", "Отамиз нега уйдан кетди?", "Раис қочди", "Авваламбор севмагин эди", "Меҳмон ўғри экан", "Ора йўлда ўлган бола", "Бегоналар кимлар эди?" каби шов-шув бўлган мақолалар шундай майдонга келганди.

Меҳнат барибир буюк экан. У қадр топаркан. 1988 йили газета мазмуни, ошкоралиги, мақолаларнинг долзарблиги ва сифати бўйича республика газеталари ичида 3-ўринни олди. Шунда газетанинг ўзи ҳам бор-йўғи 3 ёшга тўлганди. Орадан бир йил ўтиб, газетанинг "Табиатнома" саҳифаси вилоят газеталари ичида биринчи ўринни олиб, диплом билан тақдирланди. Муҳаррият янги УАЗлик бўлди.

Бугун ана шу газета йўқ даражада. Масъуллар бўлса, томошабиндек қараб туришибди.

Жўра КОДИРОВ,
журналист,
Сурхондарё вилояти

Mustaqil gazeta HURRIYAT

Таҳқиқот

КИМ НИМА ЎҚИЙДИ, ҚАНДАЙ ЎҚИЙДИ?

Бундан роппа-роса олти ой муқаддам (ижодий сафарим чоғида) янги тутилган ён дафтарчамга бир қишлоқ ўқувчисига китоб мутолаа қилиш хусусида берган саволларимга олган жавобни илова қилгандим. Ўзим ҳам билмаган ҳолда ўша ўқувчи исм-шарифи ўрнига 1 (бир) рақамини қўйгандим. Чунки унга берган саволларим орасида қалтисроғи ҳам бор эди. Шунданми, у исм-шарифини келтиришимни хоҳламаган чоғи. Сўнгра унинг тагидан икки рақами ва шу тур саволларга жавоблар пайдо бўлди.

Кейинроқ ўзимда ҳам бунга қизиқиш пайдо бўла бошлади. Менинг суҳбатдошларим асосан қишлоқ аҳли эди. Ҳар гал қаердадир ижодий сафарда бўлганимда, албатта, тўрт-беш кишига ўша саволларни бериб, олинган жавобларни ён дафтарга қайд қилиб борардим...

Эътибор қилсангиз, бугунликда китоб ва китобхонлик, матбуот нашрларига қизиқиш, умуман, китоб ва газета-журналхонлик хусусида жуда кўп баҳс-мунозара кетмоқда. Тан олиш лозим, айниқса, бугунги ёшлар орасида китобхонлик, бадиий адабиётга қизиқиш анча суст. Биз ҳозирча буни ахборот (ва билим) олишнинг замонавий электрон воситалари ҳаётимизга тобора кириб бораётганлиги билан изоҳлаб, ўзимизга таскин бериб кўя қоляпмиз. Ис-таймизми-йўқми, эндиликда электрон ўқув воситалари, жумладан, компьютер китобхонлиги нафақат ёшлар, умуман барча қатлам аҳоли учун урфга айланиши табиий. Бу замона талаби. Аммо ҳозирданоқ мутахассислар узоқ вақт қадалиб мутолаа қилиш инсон саломатлиги учун кони зарар, аксинча, ҳеч бир нарса оддий китоб ўрнини боса олмаслиги ҳақида ташвиш чекаётганларига нима дейсиз?..

Келинг, ҳозирча кейинги замонга "ўтлаб" кетмайликда, бошда тилга олганим — ён дафтарчадаги рақамларга қайта қолайлик. Зотан, бу рақамлар ҳам китобхонлик, матбуотга бўлган эътибор хусусида эди.

Таъкидлаганимдек, суҳбатдошларим асосан қишлоқда яшаётгани боис ҳали у жойларда компьютер китобхонлиги авж олган эмас. Шунинг учун саволлар асосан китоб ва газета-журналлар мутолаасига вобаста эди.

Рақамланган суҳбатдошларим 390 нафарга бориб қолганига эътибор қилдим. Албатта, шу йўналишда ўтказиладиган ижтимоий сўровлар олдида бу денгиздан томчидек гап. Шундай бўлса-да, мен уларни жамлаб чиқдим ва газетхонлар билан баҳам кўришни лозим топдим. Фақат ҳар бир саволни бошда алоҳида келтириб ўтирмайман. Шунингсиз ҳам саволлар мазмунини қуйида анг-лаб оласиз.

Хуллас, сўровда (савол-жавобда) иштирок этган 390 нафар кишидан (улар орасида мактаб ўқувчиси, ўқитувчи, оддий ишчи, қишлоқ тадбиркори, хўжалик, корхона раҳбари, шифокор ва ҳатто... пиёнисталар ҳам бор) 32 фоизи "Нима мутолаа қиласиз?" деган саволга китоб, 46 фоизи газета-журнал ўқишларини айтишган. Уларнинг 18 фоизи умуман ҳеч нарса ўқишмаслигини (!) таъкидлашган бўлса, 5 фоз кишидан бу хусусда умуман жавоб олинмаган экан.

Китоб мутолаа қилувчиларнинг ҳам диди ҳар хил чиқиб қолди. Уларнинг 42 фоизи фақат детектив, олди-қочди китоблар мутолаа қилишса, 31 фоизи жиддий мавзудаги, шунингдек, тарбиявий аҳамиятга эга китобларни севиб ўқишаркан. 11 фоиз китобхонларни эса нуқул муҳаббат мавзуидаги китоблар (шаҳвоний эмас) қизиқтирар экан. Сўралганларнинг 9 фоизи умуман китоб танламайди, улар қўлга тушган китобни ўқийвераркан (вақт ўтса бўлди-да!). 8 фоиз китобхон ишқий-интим, порнографияга оид китоблар излашга (иложи топилса, демак, мутолаа қилишга) ҳаракат қилади.

Ашаддий газетхонларнинг 35 фоизи жиддий мақолалар, жумладан, иқтисодий-ижтимоий ҳамда ҳуқуқий мавзудаги мақолалар чоп этилган газеталарни танлаб ўқишади. Улар асосан обуна йўли билан эмас, балки киоскалардан газета харид қилиш орқали талабларини қондиришади. 33 фоиз газетхон обуна бўлгани боис фақат ўзлари ёзилган газеталарни қараб чиқишади. 8 фоиз газетхонни эса нуқул хабарлар, жумладан, дунё хабарлари қизиқтирар экан. Сўралганларнинг 18 фоизи бошқотирмалар ечиш учун газета харид қилишади ва шу баҳона у-бу ўқиб туришади.

Умуман газета танламайдиганлар ҳам бор экан. Улар суҳбатдошларимнинг 3 фоизини ташкил этди. Яна 3 фоиз газетхон "очиқ" (порнографик) газеталарни мутолаа қилишни маъқул кўришаркан.

"Китобни қайси вақт ва қайси ҳолатда мутолаа қиласиз?" деган саволга эса қуйидагича жавоблар бўлган экан.

54 фоиз китобхон уйқудан олдин икки-уч соат китоб мутолааси учун вақт ажратишаркан. Улар китоб ўқишни кундузги меҳнатдан кейинги маънавий ҳордиқ деб ҳисоблашадилар. 21 фоиз китобхон узала тушиб — ётиб олиб мутолаа қилишни хуш кўрса, 5 фоизи узоқ сафар чоғида, транспортда ўқишни ёқтиришаркан. 11 фоиз китобсеварлар фақат дам олиш кунлари ўқишса, 9 фоиз китобхон иш жойида мутолаа қилишни ёқтиришади.

Суҳбатдошларимнинг 30 фоизида ўз шахсий кутубхоналари мавжуд экан (қишлоқ шароитида бу ёмон эмас, албатта). 25 фоиз китобхонларимиз доимий равишда кутубхоналардан китоб олиб туришаркан. Қолган барча суҳбатдошларим излаган китобларини дўконлардан харид қилишади ёки яқинларидан ижарага (вақтинчалик) олиб, мутолаа қилишади.

Ва, ниҳоят, сўралганларнинг 85 фоизи (331 нафари) инсонга маънавий озуқа беришда, унинг тафаккурини шакллантиришда ҳеч бир замонавий муқобил воситалар (жумладан, компьютер китобхонлиги) китобнинг ўрнини боса олишмайди, деб жавоб беришган.

Албатта, ушбу таҳлил ижтимоий сўров эмаслигини юқорида тилга олиб ўтдим. Бунда сўров анкеталари ҳам, мавҳум шахслар ҳам, тахминий фаразлар ҳам йўқ. Суҳбатларимиз фақат жонли ва юзма-юз тарзда кечганини ҳисобга олиб, келтирилган рақамларга назар ташласак, аҳвол биз ўйлаганчалик у қадар тушкун эмаслиги, бинобарин, орамизда жиддий китобхон, сермулоҳаза газетхонлар ҳали бисёрлигидан дарак беради.

Даврон ОРИПОВ,
"Ҳурият" мухбири

Менталитет

ОТТ

Эркали Туронович босинқираб уйғонди-да, атрофига ҳадиқираб қаради. Зеҳни ёришиб, аста-секин рўпарасидаги ашёларни кўра бошлагач, қаердалигини қийналиб эслади. У ошдан чиқиб, ишхонасига келган ва кабинетидаги дивангa ёнбошлаб ухлаб қолганди. Бошининг тагида қолган ўнг қўли зириллаб увишарди. Бармоқларини ишқалаб, ўрнидан турди-да, сочиқни қўлига олди. Уни фаррош кампир уйғотиб юборганди.

* * *

Бир олим дунёни чаманзорга, ҳар бир халқни эса гулга ўхшатган эди. Жуда чиройли муқояса. Ҳақиқатан дунё чаманзори бир-бирига ўхшамайдиган кўплаб гуллардан тузилган. Жумладан, халқимизни ҳам бошқаларга ўхшамайдиган ўз бўйи, ранги, таровати бор гулга ўхшатсак, бу ўзига хослик турмуш тарзимизда, урф-одат ва анъаналаримизда, халқимизнинг бир қарашда кўзга ташланадиган феъл-атворида намоён бўлади.

Менимча, халқнинг салоҳияти ана шу ўзига хосликнинг нечоғлиқ илғорлигига, оламшумуллигига қараб белгиланади. Сир эмас, айни пайтда умуминсоний маданият сифатида тақдим этилаётган тартиблар, одатлар, либосларнинг илдизи аниқ бир халққа бориб тақалади. Ва, табиий равишда, кўпчиликнинг мулкига айланган яхши нарсаларни ҳадя этган халқлар дунёда энг олдинги ўринларда туради (инглизлар, французлар, немислар, руслар, араблар, дегандек).

Шундай маданият белгилари борки, уларни алоҳида бир халққагина хос деб баҳолаш тўғри эмас. Улар умумий бўлиб, бу белги жами одамзоднинг бир нуқтада пайдо бўлганини, жами одамлар бир-бирига қариндош эканини тасдиқлаб туради. Масалан, меҳмондўстлик ҳамма халққа хос, бироқ бу фазилат турли ҳудудда турлича намоён бўлади. Умумий манзара шуки, бирон маданиятли халқ даргоҳига келган кишини қувиб солмайди, имкони етганича меҳмоннинг кўнглини овлашга ҳаракат қилади. Ёки меҳнаткашлик ҳам шундай умумий ҳодиса. Яшашнинг ўзи одамни меҳнат қилишга мажбур қилади. Биров балиқ овлаб кун кўради, биров пахта ёки шоли экиб... Шунданми, ўз қадрини, иззатини билган бирон халқ худди "кўзим бор" деганга ўхшаш табиий ҳол ҳисобланган меҳмондўстлик ёки меҳнаткашлиги билан мақтанмайди, буни ор билади. Аммо ана шундай умумий фазилатларда ҳам аниқ мезонлар борки, улар ҳар бир халқда алоҳида намоён бўлади. Масалан, меҳмондўстликда — самимият ёки очиқ кўнгиллилик; меҳнаткашликда — фидойилик.

Халқимизнинг қиёфасини кўз-кўз қиладиган фазилатлар кўп. Қолаверса, ҳар бир маданият унсурига ўзбекча ёндошув қарор топганки, бу ҳолат шу заминда яшаётган халқнинг илдизи жуда чуқур кетганидан, бир неча минг йил олдинги маданиятлардан сув ичишидан дарак беради. Суверен Ўзбекистон давлати юзага келгач, ана шу теран маданиятнинг қонуний ворислари пайдо бўлди.

Мустақиллик табиати, имконияти ҳар бир унсурни ҳушёр зеҳн билан қайта баҳолаш ҳуқуқини беради.

* * *

Муздек сувга юзини ювгани наф қилди, уйқуси очилиб, енгил тортди. Ичи куярди. Ошда ичиладими-ей, тонг саҳарда-я. Чойнакни баланд кўтарди.

Қарийб бир ойдирки, шу аҳвол. Кунда ёки кунора — ош. Бормасанг, бўлмайди. Одамгарчилик, ўзбекчилик. Эртага сенинг ҳам дастурхон ёзишинг бор, "ол товоғим — бер товоғим".

Эркали юмшоқ курсига чўкди-да, тўй-ҳашамларда, маъракаларда ўтаётган умри ҳақида ўй суриб кетди.

* * *

Албатта, тўйлар керак. Хурсандчиликдан, шодликдан бош тортадиган, уни хушламайдиган одам зоти бўлмайди. Ҳатто балиқлар, ўша индамас махлуқлар ҳам мовий ҳовузларда қувлашиб ўйнашади-я. Демак, ҳамма маъқуллайдиган умумий ҳолатни (қолаверса, умуминсоний маданиятни) камситиш, уни ёзғириш кайфияти бўлиши мумкин ҳам эмас. Нима десак, қандай мулоҳаза билдирсак, бу шахсий бир кечинма сифатида қабул қилинади, албатта.

Рости, ўзбекона "ош"ларнинг оҳангжамаси ўзгача! Бизда хатна тўй, қиз узатиш, ақиқа, юбилей, худойи, ҳаж маросимлари муносабати билан кўпчиликка тарқатиладиган текин овқатни умумий қилиб "ош" дейишади. Эътироф этиш керак, бугунги ҳаётимизда ош энг катта воқелик бўлиб қолди. Бирор олимнинг илмий кашфиёт қилганини, шоирнинг китоб чиқарганини, режиссёрнинг янги спектакль саҳналаштирганини ва ҳоказо маънавий салоҳияти дахлдор бирор хушхабарни билмаслигимиз (очиғи, билсак ҳам қўл силтаб қўйишимиз) мумкин. Бироқ "фалон киши ош берябти" деса, эшитган одам ҳушёр тортади, сабаби билан жиддий қизиқади. Табиий, таклиф қилинишини кутади. Таклиф қилинса, "рўйхатларда бор"лигидан ҳузур қилади, таклиф қилинмаса, сабабини ахтариб барча тешикка бош тиқиб чиқади.

Кашфиёт, китоб, спектакль ҳам "ош"дан кейин тан олинади.

Жуда чиройли ва гўзал манзара! Ўзбек халқининг бу бетаркор одатини, айниқса, чет эллик дўстларимиз шоён ҳайрат билан олқишламоқдалар ва одамларимизнинг сахийлиги, бағрикенглиги, очиқ кўнгиллигига тиз чўкиб таъзим қилмоқдалар.

Буларнинг барчаси рост ва биз эркинликнинг минглаб олмос қирралари қатори "ош"ни топдик ҳамда шу орқали дунё ҳамжамиятига қадам қўйдикми (наҳот!)?

Фақат минг бир истиҳола билан баъзи ўринлар кичкина эътирозларга сабаб бўлаётганини маълум қилиб, мулоҳазаларимизни қулоғингизга аста шипшисак, шаккоклиқда айбламайсиз. Баъзан шундай бўладики, сен бирор нарсани танқид қилсанг, қолганлар унга баттар ружу қўяверади.

Ошнинг наҳорда, ҳали юлдузлар ўз ётоғига кетишга улгурмаган, коинот ҳукмдори — қуёш борлиқни забт этишга қодир бўлмаган паллада тарқатилишида ажиб бир ҳикмат бор. Нақадар шоирона, дилбар палла. Кундуз чарчоқларидан тамом халос бўлган, жисман ва руҳан тиниқиб, янги суткага етарли куч-қобилият ғамлаган вужуд улуғвор ишлар остонасида ош ейди. Таассуфки, азбаройи дастурхоннинг юқори дид билан безатилгани, соҳибларнинг жонбахш лутф-марҳамати туфайли мўлжалланганидан ортиқ қудрат сарфланади. Балки бир кунга мўлжалланган жами қудрат сарфланади. Мия ва мускулар тамоман бўшашиб қолгач эса, куннинг қолган қисмида ошхўрнинг ўзи эмас, соҳаси ёки нусхаси ҳаракат қилади.

Нечун тонгда?! Саволга турли нуқталардан турлича жавоб қайтариш мумкин, лекин жавоблар барибир бир ёқлама бўлиб қолаверади ва моҳиятни ифодалай олмайди. Бизда шуниси ҳам борки, бирор нарсани тасдиқлаш лозим бўлса, етарлича оқлайдиган далил топилади, ўша нарсани рад этишга тўғри келганда ҳам салмоқли даъволарга муҳтожлик сезилмайди.

Ҳар гал уйқуни бузиб, шоша-пиша йўлда кетаётганда шу ажойиб машғулотни кундуз (тушлик пайти) ёки ишдан сўнг ўтказса, нима ўзгариши тўғрисида ўйлаб кўриладими-йўқми, билмадик. Бироқ тонгдаги ширин уйқуни бузиш фақат фавқулодда ҳолатлар — сув тошқини, ер қимирлаши, кутилмаган фалокат шароитида жоизлигини бошқа халқлар тажрибаси тасдиқлайди. Ўзбеклар эса шулар қатори ошхўрликни ҳам фавқулоддa қабул қилади ва саҳар туриб ош ейди.

Юқоридаги саволга жавобларнинг ҳаммасини эса вазиятнинг фавқулоддалиги билан боғлиқ оддий мантиқ четга суриб кўяди. Ҳа, халқимиз ўтмишида фавқулодда ҳодисалар кўп бўлган. Ташқи ёвнинг босқини, дарбадарликда кўчиб юришлар, диний-миллий қадриятларнинг таъқиқланиши туфайли урф-одатларга бегона кўздан панада амал қилиш билан боғлиқ ташвишлар. Марҳумларга жаноза ўқиш таъқиқланганда бу амал бомдод намози пайтида адо этилган. Хатна тўйлари таъқиқланганда ота ўғлининг қўлини ҳалоллаш билан боғлиқ маросимни халққа маълуми қилиб қўйиш учун моз ўқиш, мутолаа қилишнинг фойдалари ҳақида кўп эслатилган), демак, ғираширадаги ошхўрлик ildизи пўк амал, аниғи қувғинда, таъқибда юрган аждодларимизнинг заруратдан касб қилган одатининг оқораси эмасми? Ахир, ўйлаб кўринг, эркин бир замонда қанча оворагарчилик билан ухламай стол безаш, тонготарда юзлаб одамларни кутиб олиш, куни билан уйқусизликдан қийналиб юриш, ҳафта давомида росмана иш фаолиятини барбод қилишнинг қандай мантиғи бор? Бу — миллий қадриятми, миллий ўзликми ёки қарамликда шаклланган фикр инерциясидан чиқиб кета олмасликми?

Сир эмас, кейинги пайтларда ош тарқатишлар урф-одат, расм-таомил, қадрият қиёфасидан чиқиб, ўзини кўрсатиш, намойиш қилишнинг ёки шу баҳонада кимларнингдир кўнглини овлашнинг жўн воситасига айланиб қолди.

Ошга бораётганда ош берувчининг кимлигига катта эътибор қаратилади. Баъзи маъракаларда 700-800 кило гуруч бир дона қолмай талаш бўлиб кетса, баъзан 100 кило ошни ҳам еювчи топилмайди.

Таширф буюрувчилар ҳам: а) келса ошнинг мавқеи ошадиган, б) обрўси ошадиган, в) мавқега ҳам, обрўга ҳам таъсир қилмайдиганлар тоифасига бўлинади. Кўпчилик инсоний бурч нуқтаи назаридан борса, баъзилар қўрққанидан, ўлганининг қунидан, ҳатто қорнини тўйдириш учун қадам ранжида қилади.

Ош берувчиларнинг баъзилари ном чиқариш учун, баъзилари эўрма-зўракилик билан шу юмушни адо этишади.

Кўриниб қоладики, айни пайтда ошхўрликларда нагўзаронлик қилишни истайди. Ошларда қадрдонингизни кўрганингизда, кўпчилик қаторида елкамаелка ўтирганингизда, мумтоз мусиқа тинглаб, кўк чой ҳўплаганингизда ўша завқни, лаззатни туясиз.

Менинг бу фикрим юқоридаги мулоҳазаларимга тескари эмас. Айтмоқчи бўлган гапим бошқа: биз турмуш тарзимизда маданий дам оладиган, чинакам завқланадиган маъракалар, тадбирлар сонини торайтириб юбормадикмикин? Олайлик, яқин йилларда бирор шоир ёки ёзувчининг янги китоби чиқиши муносабати билан ўтказилган ижодий учрашувни эслай олмайман. Шеърият кечалари, мушоиралар бутунлай таомилдан чиқиб кетди. Ёки бирор рассом дўстимизнинг ижодий кўргазмасига бориб, ранглар сеҳридан завқланиб, тасаввуримизни, хаёлотимизни бойитдикми? Маънавиятли халқларда тўпланиб, театрга, концертга бориш сингари одатлар бор. Ёхуд бирор кино ёки театр актёрининг бенефисини уюштириб, меҳримизни қозонган санъаткорни олқишласак, у билан дилдан суҳбатлашсак, асло гуноҳ бўлмайди. Ана шундай ажойиб учрашув-мулоқотлардан кейинги ош ҳам ўзини оқлайди. Биз ош ейиш учун эмас, ош еб яшаш учун дунёга келганимизни ҳис этамиз. Энг гўзал табиат манзаралари, инсоният ақли билан яратилган мислсиз мўъжизалар тимсоли бўлган Ниагара шаршарасини томоша қилиш ёки Альп тоғларида бўлиш, Акропол, Помпей, Везувий ёки Мексикадаги ибодатхоналарни кўриш сингари оламни ва одамларни билишга қизиқиш ҳисси қачон турмуш тарзимизга сингади? Ва дунёдаги илғор халқларнинг таомилига айланган бошқа замонавий урф-одатлар ўзбекона ошхўрлик билан бақамти хонадонларимизга кириб келсин энди.

* * *

— Етар, маошни оқлаш учун ишга киришайлик, — деди Эркали Туронович оғир мулоҳазалардан амаллаб қутилар экан. Бироқ унинг ботинида бир-бирига қарама-қарши икки куч талашарди:

— Бунчалик аламзадалик билан фикр юритасиз, сизни ошларга кам таклиф қилишадими?

— Меъёрида таклиф қилишади. Бу — аламзадалик эмас, фақат шу издиҳомларда одамга куч берадиган, юксалтирадиган унсурни кўрмайман. Аксинча, ошларга бораверсам, ўзимни маишат ботқоғига ботиб кетаётгандек, фақат шу кунлар учун яшаётгандек ҳис этаман.

— Ҳамма нарсани чеклайверсак, халқимизга нимани тавсия этамиз?

— Мен ҳеч нарсани чеклаш тарафдори эмасман. Ошлар бўлаверсин, фақат инсоф доирасида, таъмасиз, самимий бўлсин.

— Унақада нуқтаи назарингиз аниқ бўлмай қолади-ку.

— Менинг фикрларим ҳукм эмас, маърифий мулоҳазалар, холос. Сиз уларни ошдек қабул қилинг: иштаҳангиз тортса, бошидан охиригача ўқинг, бўлмаса, четга суриб қўйинг.

У ўз-ўзи билан мунозара қилиб, кундалик юмушларини бошлаб юборди.

Ҳаким САТТОРИЙ



«Чўнтак дафтарчаси»даги ёзувлардан:

200... йил 11 февраль: Наҳорда. «Жаноб»никида ош. К.М. — амри маъруф. «Шеф»никида маърака. Обедда «Кал»никида худойи. Б.С. — юбилей. Соат 4.00 да «дом»да чарлар. Соат 7.00 да — «Бой»никида сабзи тўғраш. Кечда «Жоним»никида вечер. 12 февраль: Наҳорда «Дархон»да ош. Кўчада — ақиқа Обедда — маҳаллада — йигирма. Оқшом — Қибрайда никоҳ тўйи...

«Қулоққа чалинган гап»лардан:

— Телпакчадек қорнинг бор, бунча ошни қаерингга ейсан? Бўғилар алфоздаги узоқ кулгидан кейин: — Сен гумроҳ экансан. Ўйлайсанки, мен оч қолганимдан елиб-югураманми? Йўқ, мен дўст излайман, дўст орттираман. Маъракаларда, издиҳомларда одам овлайман. Таниш орттирсанг, кимнингдир юрагига нозиккина ипак арқон ташлаб қўйсанг, бир кунмас-бир кун асқотади-да.

Қадрият

МУҲАРРАМ – МУҚАДДАС ОЙ

ёки Ашуро кунининг фазилатлари ҳақида

2003 йил 4 март кунидан бошлаб ҳижрий 1424 йил кирди. Ҳижрий янги йилнинг биринчи ойи муқаддас Муҳаррам ойидир. Бу ойда фазилатли Ашуро куни мавжуд.

Ҳижрий янги сана муносабати билан бутун халқимизни, муҳтарам газетхонларни, барча иймон-эътиқодли инсонларни муборакбод этамиз, бу янги йил халқимиз ва ватанимиз учун маънавий ва моддий фаровонлик йили бўлиб, дунё ва охират саодатига васила бўлишини яратган Парвардигордан тилаймиз.

Аллоҳ таоло Қуръони каримнинг Тавба сураси 36-оятида бундай деб марҳамат қилади: **"Албатта, Аллоҳнинг наздида ойларнинг саноғи — Аллоҳ осмонларни ва ерни яратган кунида белгилаб қўйганидек, ўн икки ойдир, улардан тўрттаси (уруш) ҳаром қилинган ойлардир. Ана шу тўғри диндир (яъни, ҳақ ҳукмдир). Бас, у ойларда (уруш қилиб) ўзларингизга зулм қилмангизлар!"** Улуғ ватандошимиз, фақиҳ Абуллайс Самарқандий "Баҳрул-улум" ("Илмлар уммони") китобида бу ояти каримани бундай шарҳлайдилар:

"Аллоҳ таоло осмонларни, ерни, қуёшни, ойни, юлдузларни, кечани, кундузни, ойларни бир оҳанг ва бир низом билан яратган. Буларнинг ҳеч бири шунчаки яратилган эмас. Аллоҳ таоло осмонларни ва ерни яратган кунида ойларнинг саноғи қандай бўлса, бугун ҳам шундайдир. Осмонлар ва ер яратилган пайтда бир йил эса ўн икки ой қилиб яратилган. На ортиқ қилинган, на кам. Бу Аллоҳнинг низомидир, ҳеч кимса ўзгартира олмайди. Аллоҳ, инсонлар ер юзида бемалол яшамоқлари ва ибодатларини тўлиқ адо эта олмоқлари учун бир йилни ўн икки ойга тақсим этган. Фикр юритадиган одамлар учун бунда улуғ ҳикматлар бор.

Агар бир йил ўн икки ой бўлмаса эди, рўзани тўлиқ тутиб бўлмас, ўз вақтида ҳаж қилиб бўлмас, намозни ўз вақтида ўқиб бўлмас, закотни керагича бериб бўлмас эди. Яна тўғрироғи, инсонлар яшашларидан бир тот ололмас эдилар. Аллоҳ таоло бутун мавжудотни инсонларнинг истифодаси учун яратгандир".

Абуллайс Самарқандий ояти каримнинг йиллар саноғи ҳақидаги жумласини ана шундай шарҳлагач, энди муқаддас ойлар изоҳига киришадилар:

"Бу ойлардан тўрттаси ҳаром ойлардир. Исломдан олдин ва Исломнинг аввалида араблар Ражаб, Зулқаъда, Зулҳижжа ва Муҳаррам ойларига бағоят ҳурмат кўрсатар, бу ойларда уруш қилмас эдилар. Чунки булар ҳаром ойлар эди. Аллоҳ таоло бундай деб марҳамат қилади:

"Сизлар бу ойларда гуноҳ ишлар қилиб, кимсага зулм қилмангизлар. Зеро, зулм қилганлар фақат ўзларигагина зулм қилган бўладилар".

Бу дегани бошқа ойларда гуноҳ қилиш мумкин дегани эмас. Албатта, бутун ойларда қилинадиган гуноҳлар ҳаромдир. Аммо бу ойларда қилинадиган гуноҳлар бошқа ойлардаги гуноҳлардан кўра янада оғирроқ. Чунки содир этилган гуноҳлар билан бу ойларга ҳурматсизлик қилинган бўлади. Ичкилик ичмоқ ва зино қилмоқ ҳамма вақт ва ҳамма жойда ҳаром. Худди шу жиноятлар масжидларда қилинса, гуноҳ яна ҳам ортади. Чунки бу шаклда масжидларга ҳурматсизлик қилинган бўлади. Ҳолбуки, масжидларга ҳурмат ярашади, адабсизлик ва ҳурматсизлик ярашмайди. Ақли бор кишилар бундан бир қанча ҳукмлар-ҳикматлар чиқара оладилар. Шунга кўра ҳаётларининг ҳар онида Аллоҳнинг амрларига итоат этиб, тақиқларидан сақланадилар. Итоат қилганлар мукофотини, осийлик қилганлар эса жазосини шубҳасиз кўргайдирлар".

Атоқли ватандошимизнинг бу ибратли сўзларини "Руҳул-баён" китобидаги шарҳлар билан тўлдирамиз. Оятдаги "Булардан тўрттаси ҳаром ойлардир" жумласи ўнда қуйидагича изоҳланган:

"Бу ойлардан тўрттаси ҳаром (муқаддас) ойлардир. Булардан биттаси алоҳида тоқдирки, бу Ражаб ойидир. Қолган учтаси эса кетма-кет келади: Зулқаъда, Зулҳижжа ва Муҳаррам ойлари. Бу тўрттаси муқаддас ойлар бўлиб, бу ойларда уруш қилмоқ ҳаромдир. "Ана шу тўғри диндир". Белгиланган бу тўрт ойнинг муқаддас эканлиги – ҳақиқий дин ана шудир. Бу тўғри дин ҳазрати Иброҳим ва ҳазрати Исмоил пайғамбарларнинг (алайҳимуссалом) динидир. Арабларга бу дин ул икки пайғамбардан мерос қолди. "Бу ойларда ўзларингизга зулм қилмангизлар". Бу ойларнинг муқаддаслигини оёқости қилмоқ ва манъ этилган ишларни бажармоқ билан ўзларингизга ҳақсизлик қилмангизлар".

Шундан сўнг муаллиф айтади: "Оятда кечган "зулм" (ҳақсизлик) сўзини "катта гуноҳларни қилмоқ" тарзида таъвил қилганлар. Бу гуноҳи кабиралар Ҳарамда (Каъбатуллоҳда) ва эҳромда бўлган пайтда гуноҳ иш қилмоқ каби улкан гуноҳлардир. Зулм-ҳақсизлик қилмоқ ҳамиша манъ этилган бўлишига қарамай, бу тўрт ой ичида ўз-ўзига нисбатан зулм қилмаслик кераклигига алоҳида диққат жалб этилган. Бу ойларда қилинган зулм энг оғир зулм эканлигини англатмоқ мақсад қилинган ва гўёки: "Айниқса, шу ойларда ўзингизга зулм қилманг", дейилган".

Бу огоҳлантирувчи сўзлардан биз қадам қўйган ҳижрий янги йилнинг ушбу биринчи ойи — Муҳаррам нақадар ҳурматли ой эканлиги ва бу ойни поклик, кўпроқ хайрли, савоб ишлар билан ўтказиш зарурлиги англашилади.

Қуръони каримда билдирилган бу ҳурматли ойлар ҳақида ҳазрати Пайғамбаримиз (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай дейдилар: "Бу муборак ойларда ҳидоят ортади. Аллоҳ таоло инсоннинг иймонига қувват беради. Бу кунларда илоҳий раҳмат, неъмат кўпаяди. Бундай кунларда ибодат қилиш ва рўза тутиш билан сизлар ҳам илоҳий раҳматни кутиб олингизлар".

Муҳаррам ойининг 10-куни Ашуро дейилади. Бу кунга мусулмонлар ҳамиша алоҳида эътибор билан қараганлар. Ашуро куни хосиятлари ҳақида бир қанча ҳадиси шарифлар бор. Ашуронинг фазилатлари бундай баён этилган:

— Ҳазрати Иброҳим алайҳиссалом Ашуро куни туғилганлар.

— Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳиссаломни Намруднинг оловидан Ашуро куни сақлаган. У зотга тўғри йўлни ҳам Ашуро куни кўрсатган.

— Ашуро куни ҳазрати Жаброил, Микоил, Исрофил фаришталар (алайҳимуссалом) яратилган.

— Арш ва Курси, осмонлар ва ер, жаннат шу кунда яратилган. Тубо дарахти шу куни экилган.

— Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссалом қавмини шу куни фиръавн лашкаридан қутқарган.

Беназир ватандошимиз ҳазрати Имом Бухорий "Ал-жомиъ ас-саҳиҳ" ("Энг ишончли ҳадислар тўплами") китобида қуйидаги ҳадиси шарифни келтирадилар:

Ҳазрати Ибн Аббос разийаллоҳу анҳумо ривоят қиладилар: "Ҳазрати Расululлоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинаи мунавварага келганларида Ашуро куни яҳудийларнинг рўза туганларини кўрдилар. Шунда жаноб Расululлоҳ саллалоҳу алайҳи ва саллам: "Бу қандай рўза?" деб сўрадилар. Улар: "Бу муборак бир кун. Аллоҳ таоло бу кунда (фиръавн лашкарини денгизда ҳалок қилиб) Бани Исроилни душманларидан халос этган. Ҳазрати Мусо (алайҳиссалом шунинг шукронасига) бу кунда рўза тутганлар", дейишди. Жаноб Расululлоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Биз Мусога сизлардан кўра ҳақлироқмиз", деб шу куни ўзлари ҳам рўза тутдилар, бошқаларга ҳам рўза тутмоқни буюрдилар".

Яна Имом Бухорий ушбу ҳадиси шарифни баён қиладилар: "Ҳумайд ибн Абдурраҳмон ривоят қиладилар: "Муовия ибн Абу Суфён ҳаж қилган йиллари Ашуро куни минбарга чиқиб: "Эй Мадина аҳли! Уламоларингиз эшитиб қўйсинлар. Мен ҳазрати Расululлоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам жанобимизнинг: "Ашуро куни рўза тутмоқ фарз қилинмаган бўлса ҳам, мен рўзадорман. Аммо сизларга бу ихтиёрийдир", деб айтганларини эшитганман", дедилар".

Ашуро куни рўза тутмоқ суннатдир. Фақат бошқа қавмга ўхшаб қолмаслик учун икки кун қилиб, Муҳаррам ойининг 9,10-кунлари ёки 10,11-кунлари рўза тутилади.

Ҳадиси шарифда: "Кимки Ашуро куни бир кишига ифтор қилиб берса, бутун уммати Муҳаммадга ифтор қилиб берганлик савобини олади", дейилади.

Ашуро куни оиласига ва муҳтож одамларга икром кўрсатиш, уларга хурсандчилик етказишнинг алоҳида хосияти бор. Ҳазрати Абу Ҳурайра разийаллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадиси шарифда ҳазрати Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар:

"Кимки Муҳаррам ойининг ўнинчи куни, яъни Ашуро куни оиласига, фарзандларига, аёлига, камбағал инсонларга илтифот кўрсатса, уларни хурсанд қилса, Аллоҳ таоло у бандасини кейинги йилга қадар хурсандчиликларга эриштириб қўяди".

Муборак Муҳаррам ойи ва Ашуро куни гуноҳлар кечириладиган, тавбалар қабул бўладиган вақтдир.

Улуғ ватандошимиз Абуллайс Самарқандийнинг ёзишича, Аллоҳ таоло ҳазрати Одам алайҳиссаломнинг тавбаларини Муҳаррам ойида қабул қилган. Ҳазрати Пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам шунга ишора қилган ҳолда, бошқа инсонларнинг гуноҳини ҳам Аллоҳ таоло бу ойда афв этади, шу сабабдан бу ойда рўза тутингизлар, деб тавсия қилганлар. Ҳазрати Ибн Аббос разийаллоҳу анҳумодан ҳам худди шу хусусда ҳадис ривоят қилинган: "Кимки арафа куни рўза тутса, икки йиллик гуноҳлари кечирилади. Кимки Муҳаррам ойида рўза тутса, ҳар бир кунлик рўзаси учун ўттиз кунлик рўзанинг савобига эришади".

Яна ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.): "Ашуро куни рўза тутиш аввалги гуноҳларнинг кечирилишига кафолатдир", деб марҳамат қилганлар.

Ашуро куни қилинадиган нафл ибодатлар, ўқиладиган дуолар китобларда алоҳида зикр қилинган. Бу муборак Муҳаррам ойини ва Ашуро кунларини огоҳлик, ихлос, яхши ният ва хайрли, савоб ишлар билан ўтказмоқ халқимизнинг гўзал одатларидандир.

Аллоҳ таоло ҳаммамизга асл тавбани, Ўзи ризо бўладиган хайрли амалларни насиб айласин! Бу кириб келган ҳижрий 1424 йил, муқаддас Муҳаррам ойи ва фазилатли Ашуро куни бутун халқимизга муборак бўлсин. Дунёю охиратимизни Аллоҳ таоло обод айласин. Ватанимизда тинчлик бардавом бўлиб, севинчли кунлар барқарор бўлсин!

Мирзо ХУШНАЗАР

✓ Кайфият

«ОНАМ ДЕРМАН»

Саодатхон енгларини шимариб ош дамлар экан, нималарнидир ўйлаб, хаёл суриб кетди. Паловхонтўранинг гуручларини чиройли капгир билан текислаяпти-ю, тинмай ўй сурарди. "Ўғлим Санжарбек нима қилаётганийкин шу маҳалда? Ҳозир уйда бўлганида биз билан ўтириб бир луқма ош ерди ўғлим. Нималям қила олардим. Ҳар бир йигит Ватан олдидаги бурчини тўлиқ адо этиши керак. Бунинг учун соғлом бўлиши зарур. Менинг ўғлим соғлом экан. Шунисигаям Худога шукр қиламан. Ана Шарифахоннинг ўғли комиссиядан ўта олмади. Бола бечоранинг боргиси келади, лекин дўхтирлар рухсат этишмадида. Тенгқурларидан ажралиб қолганига маъюсланиб юрибди. Худога шукр, ошниям дамлаб бўлдим. Ҳademай Тоҳиржон акам келиб қоладилар".

Саодатхон уйга кирди-да, ойнаи жаҳон мурватини буради. Унда "Ватанимга хизмат қиламан" кўрсатуви бўлаётган экан. У телевизорга маҳлиё бўлиб қолди: кўзи телевизордаю меҳрибон дилбандини — Санжарбекни ўйлай бошлади. Кўнглидан негадир "зора, менинг ўғлимниям кўрсатишса", деган ўй кечди. Шу маҳал диктор қиз: "Н қисм вакили, ўз йигитлик бурчини илғорлар қатори олиб бораётган Санжарбек Тоҳировга сўз берамиз", деб қолса бўладими?!

— Вой, бўйларингдан онанг ўргилсин, ўғилгинам, — дея Саодатхон худди телевизорнинг ичига кириб кетгу-



дай бўлиб қотиб қолди. Ҳаяжонланганидан боласининг нима деяётганини яхши англамади ҳам. Фақат Санжарнинг "Онам дерман" қўшиғини эшиттиришларини сўраганини билиб қолди, холос.

Қўшиқ тамом бўлиши биланоқ кўча эшиги очилиб, уйга бир қўлида папкаси, иккинчи қўлида чиройли қоғоз халта кўтарган эри кириб келди.

Саодатхон эрининг қўлидагиларни олар экан, ҳаяжонидан беихтиёр йиғлаб юборди-да, секингина бошини унинг кўксига қўйди.

— Нима гап, тинчликми, Саодат, — деди Тоҳиржон аёлининг ажиб кайфиятидан саросимада.

— Сиз келмасингиздан сал олдин телевизорда Санжарни кўрсатишди! — деди Саодатхон кўзларидаги ёшларни сидириб.

— Ростданми, буни қара-я, дарров видеога ёзиб олмайсанми!

— Э, адаси, азбаройи ҳаяжонланганимдан ўша эсимга келибди дейсизми?!

— Тинч-омон эканми? — шошилмайгина сўради Тоҳиржон.

— Ҳа, Худога шукр, тинч экан. Сизга, менга салом айтди. Яна нима денг, менга атаб "Онам дерман" қўшиғини қўйиб беришларини сўради.

— Эшиттиришдими? — сўради Тоҳиржон.

— Ҳа-а, бўлмаса-чи.

— Ҳо, маза қилибдиларда?!

— Жудаям! Ишқилиб, эсон-омон келсин. Юртимиз тинч бўлсин. Тўйлар кўрайлик.

Тоҳиржон ошхонага йўналиб, чиройли пахта гулли лаганга паловни сузаётган аёлига меҳр билан боқаркан, Аллоҳга шукр, деб қўйди.

Абдусаттор БАҲОДИРОВ

ИШҚ ОТАШГОҲИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Яхшиси, ҳар бир байт устида тўхтаб, буни кўздан кечирамиз. Биринчи байтнинг зоҳирий маъноси мана бундай: "Қора зулфи жонимни гирифтор этган Паризод малакларни ўз зулфи ҳалқалари тузоғига илинтирибди". Аммо ушбу байтнинг ботиний маъноси хийла кенгроқ. Пари — хаёлий маҳбуба, у одам қиёфасига кириб, кўзга кўриниши ҳам мумкин. Паризод — парининг фарзанди демак, яъни хаёлий гўзаллик ва ҳусну жамол тимсоли. Мушк — оҳу киндигида қаттиқ югуришдан қон доғлари йиғилиб ҳосил бўладиган қора рангли хушбўй нарса. Зулф (соч) мушкка ўхшатилар экан, демак, унинг қоралиги ва хушбўйлигига ишора қилинмоқда. Мустаманд — гирифтор этиш, ожиз қилиб қўйиш. Малойик қушлари — қанотли фаришталар. Ҳалқа мўлар — соч бурамлари. Бироқ зулфнинг сўфиёна маъноси ҳам бор. "Зулф — касрат олами мартабалари, касрат оламига хос жузъ ва кулл муносабатига ишора. Зулфнинг ҳалқалари — илоҳий сирларнинг пинҳонлиги", дейилади луғатларда. Байтга шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, унда Паризод — илоҳиёт оламининг мазҳари бўлган нурли бир хилқат тимсоли бўлиб, унинг зулфи (сочи) эса тажаллиёт олами, яъни моддий дунё (касрат олами ҳам дейилади) бўлади. Демак, Навоий тасвирламоқчи бўлган ошиқнинг жони Илоҳиётга етишиш йўлида бу дунёда маънавий мартабаларни эгаллашга бел боғлаган солик экан. Унинг изтироблари ҳам ана шу сирларни дилда сақлаб, мартаба-зиналаридан кўтарилишдир. Илоҳий мазҳар бўлганлиги учун ҳам Паризод инсонлар билан бирга, малакларни ҳам банду асир этган.

Бу Паризоднинг минган оти ҳам гўё нурдандир: чунки саман — сарғиш рангли (қуёшдай) арғумоқ. У яшиндай тез югуради ва алангадай кўк сари интилади. Ошиқ шу алангага мафтун — у ўзини аланга ичидаги самандар (ўт ичида туғилиб яшайдиган афсонавий қуш)га ва шу отнинг туёғи остидаги ғуборга ўхшатади, бундан шодланиб, Тангрига шукрона айтади. Иккинчи байтдаги тасвир, кўриниб турибдики, биринчи байтнинг мантиқий давоми. Паризод зулфига гирифтор бўлган ошиқ жони ўзини унинг оти оёғи остидаги ғуборга ва оловда яшайдиган самандар қушга ўхшатади. Ошиқлик — бу ўзини оловга ташлаш билан баробар. Чунки ишқ — олов, ошиқ — самандар, маъшуқа — нур манбаи. Навоий тасвирида бу тушунчалар ўзаро алоқадор бўлганлиги сабабли, ғазалнинг учинчи байтида мазкур ғоя яна аниқроқ ифодаланган: ошиқнинг девона кўнглини ишқ оташхонасида тоблаш учун қазо (тақдир) учқунлар риштасидан "ўтлуғ каманд" — олов арқони ясабдир. Ажойиб тасвир! Диққат қилинг: оловли арқонлар билан боғланган Ошиқ Кўнгли олов қўрасида турибди. Муболағами? Тўғри, муболаға, лекин илоҳий ишқ кучини кўрсатишга муносиб тасвир.

Шундан кейин шоир тўртинчи байтда Ёрдан шикоят қилиб дейди: вафо йўлида телбалардай талпинганимдан беэътибор (нописанд) бўлдим, бу алам қилмайди. Бироқ "ул пари пайкар"нинг менга жафо бериш учун қазони раво кўргани баттар эзади. Ҳа, Парвардигор бандаларини фалак айланиши, қазоу қадар зулми билан синов-имтиҳонлардан ўтказади-да! Мана шу ҳолатда соликка хонақоҳ шайхи насиҳат қилиб, овутмоқчи бўлади. Ошиқни насиҳат билан овутиб бўладими? Кўнгилни ишқдан қайтариб бўладими? Йўқ, бу мумкин эмас. Ошиқлар маслаги бунга зид. Шу боис Навоийнинг лирик қаҳрамони шайхнинг панду насиҳатини "даму афсун" (сеҳргарлик) дея, хонақоҳни тарк этиб, майхонага — Комил инсон (соқий) ҳузурига боради ва ундан Кўнгулни равшан қиладиган май — илоҳий файз сўрайди. Бешинчи байтда шу ҳолат тасвирлангандан кейин, олтинчи байтда яна ошиқнинг маъшуқага мурожаати давом эттирилади.

Бу байтда: "лаб" — раҳмоний нафасни, "нўш" — илоҳий сўз — лаззат, пир сўзини англатиб келади. Пири Комилнинг ёки нурли сиймо — Паризоднинг нафасини қўмсаган ошиқ (солик) дилини ҳижрон қийнайди, ҳижрон гўё заҳар. Аммо маъшуқанинг заҳарханди (аччиқ кулгиси, кесатиқлари) ошиқ учун нўшханд — роҳат-фароғат ва ҳузурбахш лаззатдир. Лаб ҳақидаги фикр еттинчи байтда давом эттирилган. Бунда энди лаби лаъл, малоҳат, хол сўзлари қўлланиладики, буларнинг ҳар бири бир ориф-фона-фалсафий маънога эга.

"Лаби лаъл" — вужудни қамраб оладиган чуқур маъноли сўз, илоҳий калом. "Хол" — ваҳдат нуқтаси, касратнинг охири, Мутлақ зотнинг ваҳдатига ишора. "Малоҳат" эса илоҳий камолнинг беиҳоялиги, адо бўлмайдиган файзу футуҳдир.

Лекин бу сифатлар маъшуқага нисбат берилган сифатлардир. Агар буни жамласак, Комил инсон васфи келиб чиқади. Чунки фақат Комил инсонгина илоҳий камолнинг бепоёнлигини идрок этиб, илоҳий файз ва раҳмоний нафасни мужассамлаштира олади ҳамда буни ўзгаларга етказади. Аллоҳ таоло Комил инсонларни ўз нурининг мазҳарига айлантирган, бошқалар уларга қараб Аллоҳ буюклиги, жамол ва жалолини ҳис этадилар. Шундай зотларни яратган Аллоҳ уларга юз минглаб жонларни ошиқ қилиб қўйибди, токи камолот бир занжирдай давомли бўлсин ва ҳеч вақт узилмасин деб. Аммо байтнинг зоҳирий маъноси ҳам назардан четда эмас: соҳибжамол бир дилбарнинг сурати кўз олдингизда намоён бўлдики, унга дил боғлаган софкўнгил инсонлар ҳам маънавий баҳра оладилар. Саккизинчи байт нурли сиймо Ёрга мадҳиядир. Сарв — Комил инсон ҳайкали, қазо деҳқони — Парвардигори олам. Камолотга интилган, дунёдан озод бўлиб, илоҳий маърифатга тўлишган одамни Худо ҳам қўллайди ва уни Ўз раҳмат суйи билан парвариш этади. Асосий ғоя мана шу.

Якунловчи тўққизинчи байтда Навоий маъшуқа ва ошиқ — Комил зот ва унга интилган солик қиёсини охирига етказиб, идеал тимсолга етишишнинг мушкуллигини баён этган. Чунки Ҳақ таоло ошиқнинг зору ожиз, маъшуқани эса азизу аржуманд этган. Бу — тақдир, ошиқ тақдири. Ошиқ шу учун ҳам ҳар доим ўзини хоксор, камтар ва талабгор ҳис этади. Ошиқ нуқсондан камолга қараб борувчи, маъшуқа бўлса — камол тажассуми.

Ушбу ғазал "Насруллойи" куйи билан қиёмига етказиб ижро этилганда (масалан, Ўзбекистон халқ ҳофизи Очилхон Орифхонов ижросида) киши ўзини осмону фалакда ҳис этади. Гўё паризодлар нурли зулфларин ёзиб, илоҳий тажаллий тимсоли ўлароқ поклик ва мутлақ ғўзалликка ташна дилларни ўйнаётгандай, оламнинг беҳудуд сиру асрорини тушунтираётгандай бўладилар. Бундан ҳузурланган диллар сўз сеҳркори Алишер Навоийдай зотнинг руҳини алқаб, дуолар қиладилар.

Паризодеки мушкин зулфи жоним мустаманд этмиш,
Малойик қушларин ул ҳалқа мўлар бирла банд этмиш.

Алишер НАВОИЙ

ПАРИЗОД

✓ Ажабо!

БОЛА НЕГА ЎЖАР БЎЛАДИ?

Ўртоқларим билан бирга метрога тушган эдик. Бир оздан кейин боланинг чинқираган овози эшитилди. Ҳамманинг диққати ўша томонда бўлди. 1-1,5 яшар чамасидаги бола хархаша қилиб вагонни бошига кўтарарди. Онаси дўқ-пўписа қилса ҳам, ширинликлар берса ҳам овунмасди. Ноилож қолгач, унинг қўлига 200 сўм пул тутқазди. Бола пулни кўриб, бир зумда тинчланди.

Наҳотки, мурғаккина гўдак ширинликдан воз кечиб, пулни танласа?! Бизлар ҳам, бошқа йўловчилар ҳам боланинг бу қилмишидан ажабландик.

Метродан чиқиб, ўртоқларим билан ўқув манзилимизга қадар гаплашиб кетдик. "Вой, зап қайсар бола эканми?" деди Зилола.

Нозима: "Онасига ачиндим, бундай шумтака боладан Худонинг Ўзи асрасин!", деди. "Барибир онаси болага пул тутқазиб чакки қилди. Биринчидан, у бундан кейин ҳам худди шу йўл билан кўпчилик олдида ўзига керак нарсани онасидан ундириб оладиган бўлади. Иккинчидан, пулнинг ўзида қанчаданқанча микроб бор. Умуман, боланинг қўлига пул тутқазмаслик керак", деди Мадина. "Бола билан боладек муомала қилиш керак. Унинг шунчалик асабийлашишига олиб келмасдан, кўкрак тутиши керакмиди", дейман мен.

Бўлиб ўтган воқеа, айниқса, боланинг пулни олгандан кейинги, яъни бир хўрсиниб, ўзини ғолибдек тутиши анча кунгача кўз ўнгимдан кетмади. Баъзи ота-оналар ўз болалари олдида ҳотамтой бўлсалар, баъзилари боланинг қайсарлигига қайсарлик билан жавоб бериб, уни янада талтайтириб қўйишмаяптими? Гоҳида турли кўринишдаги хилма-хил ўйинчоқлар билан болаларини сийлаб охир-оқибатда унда ўйинчоққа нисбатан бефарқлик туғдиришмаяптими? Назаримда, гўдак миллийликдан узоқ тарбияланаётгандек. Негаки, миллий ўйинчоқларимиз, айниқса, қўғирчоқларимиз дўконлар пештахталарида кўринмайди.

Агар бола хархаша қиларса, уни аниқлаш учун шифокорга олиб бориш керакдир. Бўлар-бўлмасга турткилаш болани безбет, қайсар, қўпол қилиб қўймайдими?

Бувимнинг "Болани вақтиваҳтида эркалаб туриш керак. Агар у ўсмир ёшида бўлса ҳам" деган гапларини кўп эшитаман. Менимча, боланинг ўжар бўлишига оила, атроф-муҳит, боғчанинг ҳам таъсири бор.

Саодат АЮПОВА,
ЎзДЖТУ толибаси

✓ Эҳтиром

КАТТА СЕВГИНИ КЎТАРГАН ЮРАК

Қаро сочлар ўсиб қошга тушибди,
Ҳамма савдо очиқ бошга тушибди.

Бу шеърни радиодан эшитибманки, ўшандан буён менда ором йўқ. Бу овоз соҳибаси — Римма Аҳмедова эди. Унинг "дардчил жарангдор овози" юрак қаърида пинҳон ётган дардларни қўзғайди. Мен бу овозни ва овоз соҳибасини соғиниб яшардим.

Бутун фикру хаёлимга ҳокимлик қилаётган соғинч кўлларимдан етаклаб саҳна устаси даражасига етган Римма опа Аҳмедованинг қутлуғ даргоҳи томон олиб келди.

Аввалида мени актрисанинг ҳорғин қиёфаси бироз ўйлантирди. Бироқ суҳбатлашиш давомида шуни билдимки, Римма опанинг ҳорғинлиги ортида суҳбатдошга нисбатан кучли эҳтиёж ва санъатга бўлган чексиз муҳаббат яшириниб ётган экан. Гарчи у бугунги кунда фаолият юритмаётган бўлса-да, кўп қаватли уйларнинг юқори қаватида туриб тийрак нигоҳини ўзи эътироф этган "кичкинагина мамлакат"га — театрга қаратган. "Театр бу кичкинагина мамлакат. Юртнинг бошлиғи бўлганидек, театрнинг хўжайини, амири бор, бу — режиссёр. Театрга келган актёрларнинг, яъни "кичкина мамлакат" фуқароларининг тақдири режиссёрнинг қўлида. Режиссёр пластилин каби актёрга обдон ишлов беради, токи у юмшоқ бўлмагунча ҳеч нарса қилолмайди, ҳеч қандай шаклга келтиролмайди. Орзу қилардимки, мен актёрман, хўжайиним, яъни режиссёрим мен ҳақимда ҳамма нарсани билсин, менинг шахсий ҳаётимда нима рўй берган, яхши рол ижро этишимга нима халақит беряпти, барчасини билсин. Режиссёр актёрга, актёр режиссёрга таяниб туриши керак. Ўртада меҳр-муҳаббат, ишонч бўлмаса, режиссёр ўз актёрини яхши кўриб, бу менинг актёрим демаса, театрнинг аҳволига вой. Театрнинг аҳволига қараб, юртнинг аҳволини билса бўлади," дейди ўзининг қарийб қирқ йиллик саҳна ҳаётини тафтиш қилар экан Римма Аҳмедова. Римма опадаги юксаклик шундаки, зийраклик ва билим билан бирга, катта ҳис-туйғулар заҳирасига эга бу аёл! У киши билан юзма-юз ўтириб суҳбатлашганда, буни пайқамасдан илож йўқ. Актриса санъаткорларнинг муқаддас масканига айланган саҳнанинг қадрсизланишига кўниколмайди. Қайсидир йил у театр саҳнасида саёз спектаклни кўрганида, бутун аъзойи бадани зирқираб титради. Бу оғриқ олдида йиллар давомида тортаётган азобларини унутиб юборди. Ўшанда Римма опанинг дардига кўзидан оққан ёшларигина малҳам бўлди, холос.

Шу топда негадир менинг хаёлимда Андрей Вознесенскийнинг:

Гулчамбарлар қўйинг Вақтга,
Шу мангу оловда биз ёниб кетдик —

сатрлари жонланди.

Санъатнинг оташи бугунги кунда ҳам Римма Аҳмедовани ёндираяпти. У ўтган кунларини хотирлайди, катта иш қилиш учун ўзида куч сезганди, афсуски, бемаҳал келган дард унинг имкониятини чеклаб қўйди. Шундай бўлса-да, эртанги кунга ишончи катта.

Эмишки, она лочин полапонини энг юксак қояларда учишга ўргатаркан. У боласини шафқатсизларча кўкдан пастга ташлар, шу билан унга курашиш, жасорат, олий мақсадлар кўзлашни машқ қилдираркан.

Опанинг умиди ёлғиз ўғли, издоши Бобуржондан. Бугунги кунда у Санъат институтининг битирувчи курс толиби бўлиш билан бирга ўн йилдан бери Ёшлар театрида фаолият олиб бормоқда. Ёш бўлишига қарамасдан элнинг назарига тушишга ҳам улгурди. Биз ҳам она лочин билан биргаликда умид қиламизки, ёш истеъдодли актёр Бобур Йўлдошев олдида турган баланд қояларни забт эта олади.

Нодар Думбадзе айтганидек, инсоннинг юраги унинг танасидан юз баробар оғирроқ... Шу даражада оғирки, уни бир киши кўтаролмайди. Римма Аҳмедова юрагидаги изтироблар мухлисларининг, яъни бизнинг изтироблариниздир. Бинобарин шундай экан, доимо бир-биримизнинг қалбимизга қулоқ тутиб, дардларимизни ҳис қилайлик. Ғўзаллиқдан ҳайратланайлик, ҳайратни эса санъат ўргатади.

Мен шулар ҳақида мулоҳаза юритарканман, Римма Аҳмедованинг гўзал дунёсига нисбатан эҳтиёжим ортаверди. Римма опа санъатга бўлган чексиз муҳаббатнинг яққол кўринишидир.

Иқбол ҚЎШШАЕВА

✓ Ибрат

МУҲАББАТ ЎРНИГА НАФРАТНИ ЭКМАНГ...

Бир хотинни эридан ёки бир қулни эгасидан совутган, уларнинг орасини бузган киши биздан эмас!

* * *

Киши мусулмон биродари хоҳлаган ва талабгор бўлган қизга талабгор бўлмасин. Магар биринчи талабгор бўлган киши ўз талабидан воз кечса ёки рухсат берса, мумкин.

* * *

Хотиннинг яхшиси, хайрлиси — ўзини ҳаромдан сақлаган, ҳамиша эрига итоат этган хотиндир.

Бир хотин эрига яхши хизмат қилиб, азоб-озорига сабр қилса, жиҳод савобига ноил бўлади.

Қиёмат куни Ҳақ таоло хотинлардан бундай деб сўрайди: "Эрларингиз сизлардан розими?"

"Ҳа, бизлардан рози", деганларида Аллоҳ таоло:

"Мен ҳам сизлардан розиман", дейди.

* * *

Эркакнинг рухсати бўлмасдан туриб, хотин уйдан ҳеч нарсани бировга бермаслиги керак. Агар рухсатсиз бирон нарсани бировга берса, савоб эмас, гуноҳ бўлади. Эрининг розилиги билан бировга таом едирса, узатса, савоби ҳам ўзига, ҳам эрига тегади.

* * *

Эрини ранжитадиган бирон ҳаракат қилмаслиги керак.

* * *

Эрида бир айб кўрса, сабр қилиб, бошқа бировга шикоят қилмаслиги керак.

* * *

Эркак аёлини ҳеч урмаслиги керак. Дунё ишларидаги айбу камчиликлари учун аччиқ, қўпол гапирмаслик керак (Чунки улар орасида бир-бирларига ҳасад қиладиганлари кўп. Бу жиҳатдан, айниқса, ёш оилалилар, янги уйланганлар ҳушёр бўлишлари, онаси, опаси ёки сингиллари ва бошқа аёллар жуфти ҳалолини турткилашларига алданмаслиги керак, бундай гапларни гапиришига имкон бермаслиги керак. Бундай сўзларга учиб, аёлини ранжитмоқдан жуда эҳтиёт бўлмоғи зарур).

Онаси, сингиллари ҳақида айтган гапларга ҳам жуда ҳушёр назар билан қараши лозим. Онасига азият-озор беришга ҳеч қандай йўл бермаслиги керак. Онасига нисбатан ўзи ҳам, аёли ҳам, фарзандлари ҳам ҳар қандай ҳолатда иззат-ҳурмат, муҳаббат кўрсатишлари керак. Ота-онасига, қайнота ва қайнонасига ҳурмат кўрсатиб, хизмат қилиш биринчи галдаги вазифа бўлиши керак. Катталарнинг розилигини, дуосини олишга уринниш, дуои хайрни улуғ неъмат, муваффақият, деб билиш керак.

Қутбиддин ИЗНИКИЙнинг "Муршиди Мутааҳҳилийн" китобидан олинди

✓ Назм

СЕНИ ИЗЛАЙМАН...

Гуландом ТОҒАЕВА

Бир юлдузга шу кенг осмон етишмайди,
Нилуфармиз, фақат уммон етишмайди,
Бугун Фарҳод-Ширин бўлмоқ имконда бор,
Лекин вафо — асл макон етишмайди.

Қўл тегмаган чўққиларнинг қори бўлса,
Эриб-эриб, остонангга етар эдим.
Чўпонбобо дўмбирасин тори бўлсам,
Ўртанмаган юрагингни ўртар эдим.

Дўмбиранинг навосига ишонмагин,
Ҳар ёғочни чалсанг ахир овоз чиқар.

"Дўстман!" деган садосига ишонмагин,
Асл душман сенга аввал ҳамроз чиқар.

Севилмаган юрагимни, олдин билсам, —
Йўлбарсларнинг қафасига солар эдим.
Ўқ-ёй билан Алпомишлар етолмаган
Бу жойларни бир шеър билан олар эдим.

Севикли дўст кетди ташлаб саодатин,
Дўстсиз қолиб, яйролмадим, кулолмадим.
Мингта найга нола бўлди муҳаббатим,
Лекин қадрим бир қамишча бўлолмади...

Найгинанинг навосига ишонмагин!
"Дўстман!" деган садосига ишонмагин!
Уммонлар бор, қайиғи йўқ, қирғоғи йўқ,
Зор бўлсанг ҳам дарёсига ишонмагин!

* * *

Дилкаш давраларнинг яраштиғисан,
Кулсанг, кулгинг каби шарқирар сой йўқ,
Қўлларда гул тутган ошиғинг қанча,
Фақат ҳаётингда мен учун жой йўқ.

Қошки эшигингда бир занжир бўлсам,
Ўтган-қайтганингда қўнсам қўлингга
Кошки бир сўз бўлсам тансиқ ва сўлим,
Титрардим япроқдай олсанг тилингга.

Осмондай муҳаббат билан келсам ҳам,
Заминдай залворли бўлса ҳам туйғум!
Не қилай, сен кутган ул ёр эмасман,
Кўнглингнинг дардини ололмас севгим!

Ҳар куни совғалар улашасан сен,
Ҳатто йўлингдаги болачаларга.
Мен эса рашк билан қараб қоламан,
Улар қўлидаги кулчачаларга.

Умидим, армоним, толейи бекам,
Бахтим осмонида бир сен — Ҳумой йўқ.
Ёнингда солланиб юрайин десам,
Сенинг ҳаётингда мен учун жой йўқ.

Йиғлаган кўзлар ҳам қораймас энди,
Ҳижрон бойлик бўлса, мендайин бой йўқ.
Йўлинг тўлиб-тошган севганларингга,
Фақат ҳаётингда мен учун жой йўқ...



Бувижонининг суянчиқлари.

АЁЛ МУҲАББАТИ

Фаридиддин АТТОР

Подшонинг гўзал бир ўғли бор эди. Шаҳзода ҳақиқатдан ҳам келишган, сўлим йигит бўлиб вояга етган, халқ унинг ой юзига қарашдан истиҳола қиларди. Гўё уни дунёнинг бир мўъжизаси дейсиз: икки қоши камондай, кўзи, киприклари минг қалбни вайрон қилар, қарашлари одамни оҳанрабодай ўзига сеҳрлаб қўярди. Табассум қилса, дурдай терилган тишлари кўринар, лаъл лабларининг хушоби неча мубталоларни масту беҳуш айлаганди. Шаҳзода гўзал андомли бўлиш билан бирга мард ва жасур, ориятли ва мағрур ҳам эди. Бир хотин шу гўзал йигитга ошиқ бўлиб қолди. Кўнгли эзилиб, кўзларидан қонли ёшлар оқизди. Йигит фироқида барча нарсани, қариндош-уруғ, балки дунёни ҳам унутиб, дарвеш-қаландар бўлди. Бечора хотин шаҳзоданинг йўлини туну кун пойлар, агар шаҳзода йўлга чиқса, отининг оёқларини қучоқлаб ўпар, тупроқдаги изларни кўзига суртарди. Ёши шашқатор оқиб, ошиқона нола чекарди. Панапанадан, пастқам жойлардан шаҳзодага боқар, дийдорига тўймасди. Агар шаҳзода юрса, шаҳарда бўлар, боғу саҳрога чиқса, орқасидан саҳрога чиқар, изма-из таъқиб этиб борарди. Тунлари унинг ёдида ухламай чиқар, атрофидагиларга ҳам уйқу бермай, фарёд чекарди.

Одамлар бу ҳолни кўриб, ҳайрон қолардилар, гап-сўз тарқалиб, бора-бора бутун шаҳарга овоза бўлди. Иш шу даражага етдики, охири шаҳзода номус қилиб, аёлдан қандай қутулишнинг иложини тополмай, отасига шикоят этди. Подшо хотинни тутиб келтиришни буюрди. Уни тутиб келтирдилар. Подшо уни кўриб, баттар ғазабланди ва сочларини отнинг оёқларига боғлаб, эзғилаб ўлдиришга ҳукм этди. Бу воқеани кўргани одамлар тўда-тўда бўлишиб, далага чиқдилар. Ҳамма нарса тахт қилиб қўйилди. Хотинни олиб келдилар, Шоҳ тахтда ўтирди. Шунда хотин ўлими олдидан подшога мурожаат қилиб, агар шоҳим изн берсалар, бир ҳожатим бор, деб сўз қотди таъзим ила. Шоҳ деди:

— Агар истагинг жонингни сақлаш бўлса, рози бўлмасман, чунки қасдим сенинг жонингни олишдир, агар сочимдан тортиб сазойи қилма, деб илтимос қилмоқчи бўлсанг, бу ҳам ўтмайди, чунки шу узун сочларингга ўралиб жон беришингни кўрмоқчиман, магар отга боғламасдан ўлдиришни хоҳларсан, бу ҳам рад этилажак, чунки отнинг туёғини ўпишни хуш кўрганингнинг мукофоти бу. Бундан бошқа қандай илтимосинг бор? Бир сония ҳам омонлик бермагайман. Ёки шаҳзодани кўрмоқ тиларсан, лекин. унинг юзини энди ҳеч ҳам кўролмайсан.

Хотин айтди:

— Жонимни сақлашни истамасман, жоним энди менга керак эмас. Бир лаҳза омонлик ҳам тиламайман, ундан айрилиб омонликда яшаш ўлимдан оғир. Сочимдан судратиб, отнинг оёқлари остида эзғилаб ўлдирмоқчи эксан, ихтиёринг, буни қилма деб илтимос қилмайман. Аммо, эй саховатли шоҳ, сен айтган, ушбу талаблардан бошқа бир талабим бор.

Шоҳ айтди:

— Сўзла, бундан бошқа яна не ҳожатинг бор? Агар мен айтган талаблардан бошқа талаб-ҳожатинг бўлса, муқаррар бу талабингни бажарурман.

Хотин айтди:

— Эй саховатли ва шарофатли шоҳ, бу кун мени от оёқларига боғлаб судратишга ҳукм қилган эксансан, ҳожатим — илтимосим сендан шуки, сочимни шаҳзоданинг оти оёқларига боғлаб қўй. Токи бу ишни у қилсин, унинг оти оёқлари остида эзилай, танимни судраб роҳатлансин. Мен унинг қурбони бўлай ва абадий умр топай. Ҳа, агар маъшуқ томонидан ўлдирилсам, ишқ нуридан руҳим Арши аълода бўлади. Бир ожиз хотинман, ҳушим ўзимда эмас, бағримда лахта-лахта қон, тирикманми, ўликманми — билмайман.

Парвардигор подшонинг кўнглига раҳм солди, кўнгли эзилиб кетди. Хотинни афв этди, унинг сидқу ёнишлари, покиза муҳаббати, илоҳий ишқи шоҳнинг қалбини юмшатган эди. Подшо хотинни ўз саройига олиб борди, ўғлига ҳамроҳ этди. Бу ишқи ҳақиқийдир, буни ўрган, эй фарзанд.

(«Илоҳийнома» асаридан олинди)

Саҳифа материалларини Иноят УБАЙДУЛЛАЕВА тайёрлади.

Mustaqil gazeta HURRIYAT

Ёднома

«МАНИ ҒАПУРГИНА БОЛАМ...»

Ғафур Ғуломнинг Қумлоқда бир аптекачи дўсти борлиги ҳақида кўп марта ёзилган, номдор-номдор адиблар ва журналистлар мароқ билан ҳикоя қилиб беришган. Аммо Қумлоқда буюк шоирнинг яна бир қадрдони борлигидан кўпчиликнинг хабари бўлмаса керак. Ғафур Ғулом у кишини "Бўри хола" деб қўярди.

Мен, Давронқул ва Тантош зооветеринария техникумида ўқиб юрган кезларимизда ана шу улуғ инсон — "Бўри хола"никида, ўзларининг гапи билан айтганда, "кавартир"да турардик. У киши бизларни ўз болаларидан кам кўрмасди, барча қувонч ва ташвишларимизга баравар шерик эди. Ижарада турибмиз, дейишга ҳам тилимиз бормасди. Мен у меҳрибон инсонни қарнобчасига "мома" дердим. Бир куни паспортни текшириб келганларида, фамилияларини сўрасам, "Мани Назаруп Бўри дегин", деган эдилар. Момам бу гапни "женский род"ни тушунмасдан айтган эди.

Момамнинг, илгарилар айтгандек, "шоҳдан ҳам, гадодан ҳам" қадрдонлари бор бўлиб, ана шундай улуғ инсонларнинг бири Ғафур Ғулом эди.

Эллигинчи йилларнинг охирларига келиб китоб магазинларида муаллифларнинг дастхати қўшилган китоблар савдоси кенг тажриба қилинарди. Бир куни Эски Жўвадаги китоб магазинига Ғафур Ғулом ташриф буюрармиш, деган гап тарқаб қолди. Севимли шоирининг дастхатлари билан китоб олиш учун тезда у ерга бордим. Шоирнинг "Бари сеники" деган шеърлар тўпламини танладим ва узоқ навбатда туриб, дастхат олиш учун китобни уларга узатдим.

— Отинг ким? — деди шоир дастхат ёзишдан олдин кўзойнаги устидан менга мўралаб.

— Бобокалон, — дедим.

Шоир шу пайтгача бирор марта ҳам ечмаган кўзойнагини қўлига олиб, менга астойдил разм солди.

— Отинг жа ғалати эканку, ким қўйган сенга бу отни? — деди ажабланиб.

— Отам қўйган, — дедим шоирнинг менга эътибор берганидан беҳад қувониб.

— Отанг бу отни қаттан олган?

Шоирнинг диққатини қозонганимга ҳавасманд китобхонлар бирпасда атрофимизни ўраб олишди.

Авваллари шу муқаддас китобни кўриб, болаларга от қўйишармиш, деган гап эсимга тушди.

— Қуръондан олган бўлса керак, — дедим. Шундан сўнг менга ёқимли табассум ҳадя этиб, дастхат ёзиб берган эди шоир.

Ҳаёт сўқмоқлари мени ҳарбий билим юртига олиб келди. Аммо мен учун ота-онадан ҳам зиёда яхшилик қилган момамни ҳеч унутмасдим. Қишки имтиҳонларни муваффақиятли топширдим ва кўмондонликнинг розилиги билан уч кунга рухсатнома олиб, қадрдон момам томон учдим.

Ўша кунларнинг бирида момам билан танча атрофида повуллаб турган самовардан чой ичиб, мириқиб суҳбат қуриб турган пайтимизда дарвоза тақиллаб қолди. Югуриб бориб уни очдим. Рўпарамда турган бир кўзойнакли одам "ҳе" йўқ, "бе" йўқ, менга қараб:

— Бобойи калон — китоби Қуръон, — деди.

Бегона одамнинг бу гапларидан тилим калимага келмасдан донг қотиб қолдим. Не кўз билан кўрайки, рўпарамда Ғафур Ғулом турарди. Илгариги ҳайратимга яна ўнта ҳайрат қўшилди. Улар билан ўша китоб магазинида қисқа муддат ҳамсуҳбат бўлганимдан сўнг орадан 2-3 йил ўтган, бу ҳам етмаганидек, мен ҳарбий русумдаги уст-бошда эдим. Мен шунда у инсоннинг беқиёс зийраклиги ва ҳофизасига тан берган эдим.

— Ассалому алайкум, Ғафур Ғулом тоға, — дедим аранг ўзимга келиб.

— Бўри холамла уйдами? — деди меҳмон алик олгач ва тасдиғимдан сўнг: — Бошла, — деб менга эргашиб ичкарига кирди.

Очиқ айвондаги танча атрофида ўтирган момам томон борар эканмиз, Ғафур Ғулом менга сўз қотди:

— Сан жуда кам учрайдиган исм соҳиби экансан. Бунақанги отлар бутун дунёда Мана энди Ўзбекистонда ҳам Бобокалон дегани пайдо бўпти, — деди "Казбек" қутисидан битта найчаси узун папиросни олиб тутатаркан.

— Унчалик эмасдир-е, Ғафур Ғулом тоға, — дердим баттар қизариб

— Қатта ўқивотсан?

— Ҳарбий билим юртида.

— Тўғри қипсан, астойдил ўқи. Ўзбекдан ҳам қўшин сардорлари чиқсин-да.

— Ўзбекдан сиздек улуғ шоир чиқди-ку, қўшин сардори ҳам бир кунмас бир кун чиқади-да, — дедим ўзимни ҳали ҳам анча ноқулай ҳис этиб.

— Маҳмаданачилик қилма! Ким этти санга мани "улуғ шоир" деб?

— Бўри момам айтган эдилар...

— Э, Бўри холамнинг улуғлиги олдида, манга йўл бўлсин, — деди шоир айвон супасига яқинлашаркан.

Момам бизга қўлини қалин кўзойнаги устига соябон қилганча астойдил боқиб турарди. Ғафур Ғулом мен билан суҳбатини тўхтатиб, момамга салом берди ва танчага яқинлашди.

— Оҳ, мани Ғапургина болам-а, кампирни бир кўриб кетайин деб кепсан-да, барака топкур, — деди момам ўтирган жойида иккала қўлини узатиб. — Бўкса кетган, болам, туромидиган бўп қолдим.

Ғафур Ғулом момам билан сўрашиб бўлгандан сўнг ҳали танча атрофига ўтирмасдан ён дафтарчасига алланималарни ёзди. Эҳтимол, шоир момамнинг қиёфасига шеър битгандир, эҳтимол,"бўкса" деган сўзни ёзиб қўйгандир. Уларнинг суҳбати жуда қизиди. Менинг вақтим асосан самовар қайнатиш билан ўтарди. Уни уч марта янгилаб келдим. Момам билан шоирнинг суҳбати тугай демасди. Гоҳ момам, гоҳ шоир қўлларига рўмолча олиб, кўзларини артиб-артиб қўйишарди. Мен халал бермаслик учун ўз хонамга кириб олиб, "Бари сеники"ни қайта мутолаа қилардим. Баъзан ойнадан қарабқараб қўярдим. Самоварнинг ўтини янгилаш учун айвонга яқинлашганимда меҳмон менга мурожаат қилди:

— Бобокалон, кўчага чиқ, мошинамда бир халтада чақмоқ қанд бор, олиб кел. Бир Бўри холамлани оғзиларини ширин қилиб кетай.

Момамнинг эътирозларига қулоқ солмай, мени топшириқни бажаришга жўнатди шоир. Мен халтадаги сийловни олиб киргандимда момам қўлини очиб, дуо қилиб турарди. Мен оҳиста супанинг четига ўтирдим. Момам Ғафур Ғуломнинг қаторида мени ҳам дуо қилди. Меҳмон ўрнидан туриб, бу келганлиги ҳисоб эмаслиги, яна асфатида ҳурмат қилиб юрган момамни энди буюклар сафига қўшган эдим. Академик шоир билан ҳамсуҳбат бўлган момамнинг ёнидан тургим келмасди. Момам ўзбек тилининг ҳақиқий жаннатмакони эди. Унинг айтган қизиқ гапларига, тўқиган атамаларига, маҳалладаги одамларга берган лақабларини эшитиб, кулардим. Балки шоирни момамнинг ана шу ажойиб хислатлари ҳам қизиқтиргандир. Мен буни момамдан ўша куни сўрадим:

— Мома, Ғафур Ғуломдай одам ҳам сиз билан эринмай ярим кун суҳбатлашди. "Бор энди уйингга, кеч бўлиб қолди, кўчада сани ёмон болалар хафа қилишмасин", деганингиздан кейин ноилож ўрнидан турди. Бунинг сабаби нимада, — дедим ажабланиб.

— Э, болам, — деди момам айвоннинг токисига тикилиб. — Ғапурга ўхшаган инсонлар бир келиб, бир кетади. У ўта раҳмдил инсон. У замонлар тирикчилик сабаб, Хасти имомга перашка олиб чиқардим. Ғапур у пайтларда бола эди. Мани кўрди дегунча тоғорамни қўлимдан олларди, иш жойимгача оборib берарди, қўймаганига қўймай попкасига иккита қайноқ перашка соб қўярдим. Ман билан пича гаплашиб, дуо қилганимдан сўнг ўқишга кетарди. Берган насиҳатларимни оларди, ёмон болаларга қўшилмасди, ақлли-ҳушли бўлди, яхши бола чиқди.

Ғафур Ғуломни момамга қадрдон қилган нарса, биринчи навбатда уларнинг меҳрибон инсон эканлиги, қолаверса, уларнинг доно насиҳатларини, беғаразлиги, сўзамоллиги, дуолари ва қизиқарли ҳангомалари бўлса керак. Аҳамият беринг-а: "Менинг ўғригина болам" ёки "Итнинг тиши қон, кийим-бош аралаш бўксамга ханжар ургандай ботган эди, — деди Шум бола". Бу гаплар Бўри холамнинг сўзларини эслатмаяптими?

Йиллар, ташвишлар, шоншуҳрат Ғафур Ғуломдаги оддийликни сўндира олмаганига, бир вақтлар унга дуолари билан яхшилик тилаган инсонга нисбатан ҳурматнинг йўқолмаганига тан берасан киши. Ғафур Ғулом ҳақиқатан меҳр-оқибат, одамгарчилик тимсоли, ватанпарвар, халқпарвар инсон ва ижодкор эди.

Йиллар ўтди, аммо Қумлоқдаги мен учун қадрдон бўлган инсонларнинг қадами безаган ўша ҳовлига тез-тез бориб тураман. Ҳар сафар Ғафур Ғуломдек буюк инсон ҳам чуқур ҳурмат қилган, невараси Гулсара опам, невараси Умиджонлар ёқиб ўтирган момамнинг чироқларини пирпираб ёниб туришини кўрарканман, улуғ шоирнинг қадами теккан жойларни тавоф қилгандай бўламан.

Аллоҳ уларни ўз раҳматига олган бўлсин!

Бобокалон РЎЗИЕВ,
истеъфодаги подполковник

Гурунг

ЎЗ АЛИФБОМИЗ БЎЛСА,

ёмон бўлмасди, дейди нафақадаги муаллим

Нимадир ёзишим кераклиги ҳақида ўйлаб ўтирсам, эшик очилиб, 50-60 ёшлардаги бир отахон кириб келди. Саломлашгач, бир пиёла чой таклиф қилдим. Кейин отахон ўзини танитди:

— Отим — Мавлонжон, памилиям — Абдураимов. 1948 йил Тошкент вилоятининг Чиноз туманидаги Яллама қишлоғида туғилганман. Ўзимизнинг мактабни тамомлагач, Сирдарё педагогика институтининг Ўзбек тили ва адабиёти факультетига ўқишга кирдим. Нафақага чиққунимча ўзим ўқиган мактабда ихтисослигим бўйича ишлаб келдим... Энди-и, ўғлим, сени ёнингга бир иш билан келдим.

Отахон пиёладаги чойдан ҳўпларкан, қўлидаги қоғозларни узатди. Қарасам, ҳар хил ёзувлар, белгилар... Ҳаёлимга Конан Дойлнинг "Рақкос одамчалар" номли ҳикояси келди.

— **Нима экан бу?**

— Бу — биззи ижод, ўғлим.

— ...

У киши ажабланиб турганимни сезди шекилли, аниқлик киритди:

— Биласанми, болам, бу — янги алифбо. Ўзим кашф этдим. Шуни-и газетингда ёзиб чиқсанг, деб келовдим.

Қойил! Бир вақтлар шоҳ ва шоир бўлмиш ҳазрати Бобур ҳам "Хатти Бобурий"ни тузганди. Ҳали ҳам бор экан-ку ўшандай одамлар. Яшасин! Ёзаман!!

— **Сизга "домла" деб мурожаат қиловраман-да энди?**

— Бемалол, болам.

— **Домла, айтинг-чи, бу фикр қаердан пайдо бўлди?**

— Талабалик пайтимда эски ўзбек имлосини, инглизчани, русчани баҳоли қудрат ўргандим. Ўша пайтлар калламга келиб қолганди бу фикр.

— **Албатта, бу — яхши. Лекин бугун янги алифбога эҳтиёж бормиди, деган табиий савол туғиладида...**

— Балки йўқдир. Аммо ўзинг ўйлаб кўр, болам. Ҳозир ёзаётганинг русларнинг ҳарфи. 2005 йилдан бошлаб лотин ҳарфида ёзасан. Дунёга шу-у-унча машҳур инсонларни етиштириб берган ўзбек халқининг ўз ҳарфи ҳам бўлиши керакми ахир?! Кейин мен бу ерга мажбурлаб ёздираман, деб келганим йўқ. Ёзмасанг, ёзма. Қўлёзмалар институтидагилар шу ёққа жўнатувди. "Ҳуррият"дагилар бунақанги янгиликка ўч, дейишганди...

— **Э-э, тўғри айтишибди. Нафақат биз, балки "Ҳуррият"ни ўқийдиганлар ҳам қизиқишади бундай нарсаларга. Ёзамиз, домла, ёзамиз. Бу янги алифбода қанақа ўзгаришлар бор?**

— Бунда 46 та ҳарф бор...

— **Ҳарфларнинг бу қадар кўплиги ўқувчига ноқулайлик туғдирмайдими?**

— Аксинча. Ҳозирги алифбомизда араблардан кириб келган айрим сўзларда ифода этилган товушларни берувчи ҳарфлар йўқ. Шуларни ҳисобга олдим-да, ўғлим. Ана ундан кейин бу алифбо бўйича ўнгдан чапгаям ўқуврасан-ёзуврасан, чапдан ўнггаям ўқуврасан-ёзуврасан.

— **Аломат-ку бу!**

— Албатта-да. Фақат биттагина пайкон (стрелка, демоқчи — Д. Б.) қўйилса бўлди. Пайкон қаёққа қаратилса, ўша ёққа қараб ўқуврасан. Агар у чапдан ўнгга қараб турган бўлса, тиниш белгилари ҳеч қандай ўзгаришсиз қолади ёқи аксинча.

— **Катта-кичик ҳарфлар қандай ажратилади?**

— Уларнинг фарқи йўқ. Гап тугаганидан кейин, яъни нуқтадан кейин биринчи ҳарфнинг тепасига нуқта (.) қўйсанг, қарабсанки, бош ҳарф бўлиб турибди-ю!

— **Бу янгиликни мукаммал, дея оласизми?**

— Йў-ў-ўқ. "К" билан "П" ҳарфлари устида озроқ бош қотириш керак.

— **Нимага?**

— Чунки уларни ёзиш бироз қийинроқ.

— **Бу алифбонинг лотин ёки кирилл алифболаридан яна қандай афзалликлари бор?**

— Улардан кўра бу алифбода ёзсанг, 30 поизга ютасан. Яъни 100 қоғоз эмас, балки 70 қоғоз. Ҳарфлар кўп жой эгалламайди-да бунда.

— **Энди-и, домла, ўзингиздан қолар гап йўқ. Ҳар қандай янгилик ҳам "лип" этиб амалга жорий этилавермайди. Нима деб ўйлайсиз — бу кашфиётингиз омма томонидан, олимлар томонидан илиқ кутиб олинармикан?**

— Тўғри, турли қаршиликлар бўлиши турган гап. Лекин буюк келажак яратишда камтаргина меҳнат сифатида, қолаверса, ҳалиги айтгандай — бозор иқтисодиётига ўтиш вақтида асқотиб қолиши мумкинлиги инобатга олинса ёмон бўлмас, деб ўйлайман.

— **Ундай бўлса, "Ҳуррият"нинг ўқувчиларига ўзингизнинг тилакларингизни айнан шу алифбода ёзиб қолдирсангиз.**

— Бажону дил.

Домла оппоқ қоғозга турли шаклларни чизиб, нималарнидир ёзди. Мана улар:

У кишини кузатиб қўйгач, менга қолдирилган очқичдан фойдаланиб, домланинг ёзганларини ҳижжалаб ўқий бошладим:

"Ҳуррият" мухлисларига! Яратганнинг ўзи эзгу ниятларимизга етказсин!"

Тўғриси, муаллимнинг бу янгилиги лотин алифбосига ўтиш арафасида эриш туюлади. Бироқ орамизда ана шундай изланувчан, ташаббускор инсонлар борлигидан мамнунлик туйдим.

Дадахон БОСИТ
суҳбатлашди

Ардоғида улғаяди келажак...

Абдуғани ЖУМАЕВ олган фото-лавҳа.

Санъат

Мусиқа уйғотган ҳайрат

Кўклам арафаси консерватория залида ораторияреквиемнинг улуғвор садолари янгради. Илк бор жамоатчилик ҳукмига ҳавола қилинган бу янги мусиқа асарининг сўнгги такти янграй бошлаганида ҳашаматли залга файз қўшиб ўтирган, гўзаллик, бадиий баркамоллик билан ҳозиргина учрашиб, ҳаяжонларини яшира олмай қарсак чалаётганлар ўринларидан туриб, бастакорни, дирижёрни, ижрочиларни узоқ табрикладилар. Биз қувончимиз, ҳайратимизни яшириш ҳақида ўйламадик ҳам. Гоҳ саҳнада кимхоб тўн кийиб олқишларни қабул қилаётган бастакор Икром Акбаровга самимий сўз ила ўз миннатдорчилигини билдираётган бастакор ва мусиқашунослар, шоир ва адабиётшунослар, мураббий ҳамда ижодий ташкилотлар раҳбарлари, Жаҳон тиллари университетининг бир-биридан гўзал, зукко талабалари ва ҳозиргина анчайин мураккаб асарни ижро этган созанда, хонандаларни кузатиб борардик.

Бундай дақиқалар ҳам эстетик завқ берар, қувончингга қувонч қўшар экан. Ахир ҳазрати Баҳовуддин Нақшбандга бағишланган асар билан учрашиб, тўлиб-тошиб, бойиб, маънавий озиқ олиб, ижодга, савобли ишларга отланганларни кўриб турган эдик-да! Мавлоно Жомий айтганлар-ку, мусиқани басталаган шахсгина эмас, уни тинглаётган киши ҳам ижод этади, деб! Шундай ижод нашидасига тўлиб-тошган дамлардан баҳраманд бўлганимиздан беҳад хурсанд эдик.

Биз ўн тўрт қисмдан иборат бўлган йирик мусиқа асари ато этаётган илҳомбахш дақиқаларнинг қадрига етар, ораториянинг чуқурлашиб бораётган мазмуни ҳақида ўйлаб, мураккаб композиция юксак ғояни очишга қаратилганини қайд этардик.

Бунга эришиш учун бастакор қандай йўлдан борди? Симфоник оркестрнинг беқиёс имкониятларини назарда тутдими? Мусиқа драматургиясини аниқ белгиладими? Хор ва оркестр бири иккинчисини тўлдириши режаси бўлганми?..

Бу каби саволларнинг барчасига ижобий жавоб бериш учун ораторияни тинглаш кифоя. У ҳам завқ беради, ҳам мушоҳадага ундайди. Шу боис мураккаб ижродан ҳайратга келган камина бу хусусда бир шингил сўз айтишга журъат этдим.

Бизга ораториянинг ҳар бир қисми ўз микрокомпозициясига эга бўлиши, унда мусиқанинг кучли драматургияси мавжудлиги маъқул бўлди. Барча ҳолларда ҳам бастакор мусиқавий воқеанинг аста ривожланиб боришини таъминлашни ўз олдига вазифа қилиб қўйган эмас. Баъзан катта драматик кучга эга бўлган тароналар, куйлар мажмуаси сержило композициядан ўрин олган муайян қисмнинг экспозициясини ташкил этади. Айрим ҳолларда эса микрокомпозицияда мусиқа мазмуни босқичма-босқич, анъанавий тарзда ривожланиб боради. Ҳар икки ҳолда ҳам тасаввуф илмининг буюк намояндасининг ўткир заковатидан ҳайратга келган саньаткорнинг бадиий эҳтироси, юртдошига бўлган меҳри сезилиб туради. Мусиқа воситасида Баҳовуддин Нақшбанднинг серкирра портрети чизилади. Унинг инсоний фазилатларига мадҳия ўқилади. Бу ўринда бастакорнинг мусиқада ифода этилган ўйларини, фалсафий фикрларини катта ва кичик экранда "кўрсатиш", истиоралар, рамзий образлар ила тасвирлаш жараёни қанчалик самарали, қизиқарли, айни вақтда масъулиятли бўлишини тасаввур этиш қийин эмас.

Ораториянинг юксаклиги, баркамоллигини тасдиқлайдиган бир хусусиятни алоҳида таъкидлаб ўтишни истардик. Унда маъюс оҳанглар, ғамгин куйлар бўлсада, улуғворлик, кўтаринки руҳ тантана қилади. Миноораларимиздек, мақом куйларимиздек, мумтоз шеъриятимиздек бу асарда ҳам монументаллик, фалсафий теранлик, улуғвор ҳис-туйғулар таранум этилади.

Бу асар ҳақида рисолалар битилишига ишонамиз. У Ватанини, юртдошларини, ўтмишнинг сўнмас сиймоларини эъзозлайдиганларнинг фикру зикрини, ҳис-ҳаяжонини тўлиб-тошган мусиқа ила намоён этиши билан қадрлидир. Мусиқа маданиятининг маҳобатли асари бўлмиш бу оратория ёзилишида ва мавффақият билан ижро этилишида шоир Эшқобил Шукурнинг достони, дирижёр Зоҳид Ҳақназаровнинг истеъдоди, нозик диди муҳим омил бўлганини ҳам айтиб ўтиш ўринлидир.

Ҳамидулла АКБАРОВ,
профессор

Кулги

ЗЎР ХОТИН

— Менинг бутун бойлигим томоғимда, — деди машҳур хонанда.

— Хўш, бизники-чи, — деди ароқхўр, — биззи томоқ ҳам чакки эмас...

* * *

Бир кимса камбағалроқ бўлса-да, бадавлат аёлга ошиқ бўлиб қолибди. Аёлни ҳар куни таъқиб қилиб, унинг олдида кўз ёши тўкаверибди. Ниҳоят, аёлнниг раҳми келиб, рози бўлди. Ошиқнинг меъдаси оч экан, мақсадига эришгач, ҳар куни маъшуқасига ноёб таомларни буюраверди. Ҳар буюрганда:

— Сиз аёллар бу таомни пиширишга жа-а устасизлар, — деб қўяркан.

Орадан бироз вақт ўтгач, унинг талабларидан ҳориган аёл бундай деди:

— Бошқа одамларнинг муҳаббати одатда қалбида, жигарида ва ички аъзоларида бўлувчи эди. Сизнинг муҳаббатингиз эса, ошқозонингизда экан...

* * *

— Хотиним билан ажрашмоқчиман. Ярим йилдан бери мен билан гаплашмайди.

— Ҳей нодон. Гапирмайдиган бунақанги зўр хотинни қаердан топасан. Ўйлаб кўр!

* * *

Суд раиси:

— Судланувчи, айтинг-чи, сиз нега бу машинани ўғирладингиз?

— Машина қабристоннинг ёнида турган экан. Эгаси ўлган бўлса керак, деб ўйлабман.

* * *

— Алло!

— Ҳа!

— Катяни чақириб юборинг.

— Чиқиб кетди.

— Қаёққа?

— Турмушга!

* * *

Руҳшунос янги мижоздан сўради:

— Сиз кимсиз?

— Мен Пётр Биринчи.

— Ҳа-а, лекин бизда подшолар жуда кўп-да...

— Мен подшо эмасман. Мен пароходман!

* * *

— Кеча кечқурун уйга кетаётсам, уч киши бир кишини ураяпти. Ке, қарашворай, дедим.

— О-о, жуда довюрак экансан-ку! Хўш, кейин нима бўлди?

— Тўртовлон роса дўппосладик.

* * *

— Сигаретдан ол, бир тутатайлик.

— Ўзи битта қолган эди. Анави, Жўрадан сўрай қол.

— Ҳадеб бир кишидан сўрайвераманми?

А. АБДУВАЛИЕВ таржималари

Voice of America

Америка овози

www voanews. com/uzbek

- *Дунё хабарлари*
- *Америка ҳаётидан лавҳалар*
- *Қўшма Штатлар сиёсати, иқтисоди, маданияти ва маърифатининг турли қирраларини акс эттирган маълумотлар*
- *Америка ва дунё жамоатчилигини боғловчи қадриятлар*
- *АҚШ ва Марказий Осиё муносабатлари*
- *Вашингтон-Тошкент алоқалари*
- *Демократия ва инсон ҳуқуқлари борасидаги жараёнлар*
- *Терроризмга қарши кураш босқичлари*
- *Дунёдаги долзарб воқеаларга Вашингтондан назар*

Буларнинг ҳаммаси "Америка овози" радиосининг ўзбек тилида ҳавога узатиладиган дастурларида

Эшиттиришларимиз ҳар куни алоҳида-алоҳида дастурлар ҳолида Тошкент вақти билан 17.30-18.00 ва 20.00-20.30 оралиғида эфирга узатилади.

«Америка овози»

радиосини қисқа тўлқин — УКВ
17.30-18.00 да 15470, 17555, 17730 kHzда 19 ва 16 метрларда;
20.00-20.30 да 7295, 9745, 15255 kHzда 41, 31 ва 19,
шунингдек, Душанбе атрофида ўрта тўлқин 1143 килогерцда ва Ўш минтақасида FM 103,2 метрларда тинглаш мумкин.

VOA

МУРОЖААТ УЧУН
VOA UZBEK SERVICE Independence Avenue SW, Room # 2141, Washington, DC 20237, USA
Tel: (202)6197566, (202)6190368, fax: (202)2603498, (202)6190368
uzbek@voanews.com

Ўзингни англаб ет!

Mustaqil gazeta HURRIYAT

Муассис: Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси

Бош муҳаррир: Амирқул КАРИМОВ

Таҳрир ҳайъати: Турсунали АКБАРОВ, Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Наим КАРИМОВ, Ҳаким САТТОРОВ (масъул котиб), Исмат ХУДОЁРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Озод ШАРАФИДДИНОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот ва ахборот агентлигида 165-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими А-2.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй. Телефон: 144-25-06, 41-52-72, 41-49-91.

Индекс: Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Отабек ОРТИҚОВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 20.00
Буюртма — Г - 250
Адади: 3809

Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

«Hurriyat» kompyuter markazida Jamshed TOG'AEV tomonidan sahifalandi.